

616.087
С 14

АБДУЛАЗИЗ САЙДНУРИДИН ЎГЛИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ
ТАБОБАТИДАН

1

АБДУЛАЗИЗ САЙДНУРИДДИН ЎҒЛИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИДАН

I



ТОШКЕНТ
«ҚАТОРТОЛ-КАМОЛОТ»
2000

Табиб Абдулазиз Сайднуриддин ўғлининг номи китобхонларимизга яхши маълум. Унинг халқ табобати бўйича ёзган китоблари катта қизиқиши уйғотмоқда. Шу пайтгача нашриётимиз томонидан табибининг иккита китоби босилиб чиқди ва яхши кутуб олиниди. Китобхонларнинг талаб ва истакларига биноан муаллифнинг 1 ва 2-китоблари қайта ҳамда кейинги 3-4-қисмлари ҳам чоп этилмоқда.

Қандай дард қийнайти сизни? Қаерингиз оғрияти? Балки шифо истаб бормаган жойингиз, изламаган дорингиз қолмагандир?.. У ҳолда, марҳамат, ажододларимизнинг beminnat табобати жонингизга оро кирсин.

Қўлингиздаги жажсеки китобча кўп минг йиллик ўзбек халқ табобатидан бир қатра холос. Унда кенг тарқалган айрим қасалликларни халқ табобати усулида даволашнинг энг оддий ва содда йўллари муфассал баён қилинган. Муолајса тадбирлари ҳар қандай одамнинг қўлидан келади,дори дармонларнинг аксариятини эса уй шароитида, ҳар бир рўзгорда топиладиган нарсалардан тайёрлаш мумкин.

Уибу китобча сог-саломат яшашни истаган ҳар бир хона-донда бўлмоги лозим. Яқинларингиз учун ҳам бундан афзалроқ, савобли совга йўқ. Зоро, «Саломатлик-туман бойлик» деб бејизиз айтшишмаган.

ISBN 5-633-01133-3

© Абдулазиз Сайднуриддин ўғли
"Ўзбек халқ табобатидан"—2000

МУҚАДДИМА

Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм!

Тангридан умид қиласизки, қўлингиздаги рисола ўзбек халқ табобатига багишиланган бўлажак китобнинг бошламаси, яъни «хамир учидан патир», холос.

Габобат илми дунёда энг қадимги илм. Умуман, Шарқда, қадимий Турон – Туркистон заминида минглаб йиллар мобайнида беҳисоб халқ табиблари ўтиб, неча юзлаб дорилар тайёрлашсан, кўпдан-кўп муолажса усулларини яратишган, табиат ва ҳайвонот дунёсини, айниқса инсон ҳаётини синчилаб кузатишган. Габобат тарихининг охирги минг йиллигидаги саҳифалари озмикўпми ёзилган ва матбуотда эълон қилинган. Айниқса, буюк табиблар, улуг алломалардан Ибн Сино, Ар-Розий, Юсуфий ибн Муҳаммадлар шу жумладан.

Бироқ, ўрта асрлар (IX–XII асрлар) гача бўлган неча минглаб турли даражадаги табибларнинг номлари фанда маълум эмас. Қадимшунос ва тарихчи олим сифатида шуни айтишим керакки, бир қанча археологик, антропологик ва бошқа ашёвий далиллар, маълумотлар таҳминан жез (бронза) даври (милоддан олдинги тўртинчи – учинчи минг йилликлар) дан бошлаб, табиблар одамларни даволашга киришганларини кўрсатади. Қулдорлик даврида (милоддан олдинги VIII – милоднинг II–III асрлари) ва илк ўрта асрлар (милоднинг IV–VIII асрлари) да даволашишларини мутахассис табиблар олиб боришган. Шунингдек, дори тайёрлаб аҳолига сотадиган маҳсус дўконлар – дорихоналар пайдо бўлган.

Хулоса қилиб шуни айтиши мумкинки, ўрта асрларгача бўлган қизиқарли ва ўз даври учун кўп тармоқли табобат тарихи у билан алоҳида шугулланишини талаб қиласиди. Бизнинг бу китобчадаги мавзумимиз эса табобат тарихига оид эмас, шу туфайли бу машақатли ва хаирли ишни бошқа мутахассисларга ҳавола қилиб, бевосита ўзимизнинг вазифамизга – беморларни баъзи касалликлардан даволаши учун уй шароитида тайёрланувчи оддий, бироқ самарали дори-дармонлар тавсифига ўтсак.

КАСАЛ БҮЛМАСЛИК УЧУН НИМАЛАР ҚИЛМОҚ КЕРАК?

БАҲОРГИ МУОЛАЖА

Дунёдаги барча мавжудотнинг яшаш учун қураши — униши, ўсиши, улғайиши ва ривожланиши асосан баҳордан бошланади. Баҳор инсон йил бўйи соғ бўлиши учун ҳам илк босқич ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир одам ва оила йил бўйи соғ бўлиш учун баҳордан бошлаб, бир қанча тадбирларни амалга ошириши керак.

Эрта баҳорда ерга амал кириб, инсон истеъмол қилиши мумкин бўлган турли гиёҳлар уна бошлайди. Чунончи, жағжар, отқулоқ, баргизуб, момақаймоқ, ялпиз, шўра, йўнгичқа ва бошқалар. Уларнинг номлари вилоят ва туманларда турлича айтилади. Бу гиёҳлар ёз ва кузда ҳам бўлади, бироқ илк баҳордагиси инсон учун энг фойдали ва шифобахш ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги фақат эрта баҳорда, янги чиққан пайтидагина истеъмол қилинади, холос.

Қадимда кўпчилик шаҳарларда эрта баҳорда ўзи ўсиб чиқадиган, инсон учун бағоят фойдали гиёҳларнинг маҳсус бозори бўлган. Бу яхши анъана ҳозир ҳам баъзи йирик шаҳарларда сақланиб қолган. Гиёҳ бозорлар бир ой мобайнида гавжум бўлган. Халқнинг қарашларига кўра, эрта баҳорда униб чиққан ёввойи гиёҳлар инсон саломатлигини янаги йил шу давргача бир қанча касалликлардан сақлайди.

Илк баҳорнинг шифобахш гиёҳларидан дори тайёрлаш усули оддий бўлган. Гиёҳларнинг ҳамма турини аралаштириб, ювиб, чопқи ёрдамида қиймалаб, чучвара, манти тайёрлашган. Суюқ овқатларга, тандирда ёпилган ноңларга ҳам шу гиёҳлардан

Шуниси қизиқки, экиладиган күкларни
ҳам шу гиёхларга қўшиб истеъмол қилишган. Масалан, кўк пиёз, кўк саримсоқ пиёз, кашнич, райлон, жамбил, семизўт кабиларни. Бу эса гиёхлардан тайёрланувчи овқатларнинг қуввати, сифати, нағиси ва шифобахшлигини кучайтирган, албатта.

Эрта баҳорги гиёхлардан озиқ-овқат тайёрлаб истеъмол қилиш оиласда 15 кундан то 20 кунгача давом этган. Бу муддатнинг биринчи ҳафтаси қийин ўтган, чунки ички аъзолар янги таомга мослашуви зарур эди. Тўғри, маълум миқдорда бошқа овқатлар ҳам истеъмол қилинган, лекин гиёхлардан, кўклардан тайёрланувчи таомлар шу муддат ичидаги асосий озиқ-овқат ҳисобланган. Баҳорги тадбирлар касалликнинг олдини олиш, ички аъзоларни шу гиёхлардан олинувчи турли шифобахш сувлар, ширалар, шиллиқлар, ранглар билан озиқлантириш, шу йўл билан янаги йилгача соғ юришга қаратилган.

Халқ табобатининг саломатлик гарови бўлган бу ажойиб усули йўқ бўлиб кетишига озгина қолган эди. Бу шифобахш тадбирни кенг кўламда тиклashingиз, унга илмий тус беришимиз керак. Халқ табобатининг бу зарурий чорасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам етарлича эътибор берса, яхши иш бўлур эди. Халқ табобати эрта баҳорда гиёхлар истеъмол қилишни инсоннинг қонини, ички аъзоларини тозалаш, ювиш ва керакли озуқалар билан таъминлаш деб билади. Бу тадбирнинг шифобахш гиёхлардан ташқари бошқа бир қанча усуллари ҳам бўлган. Шулардан бири шафтолининг тўкилган гулларидан 9 ёки 11 дона чучвара тугиб ютиш усулидир. Бунинг учун чучвара жуда кичкина тугилади, пиширилади ва битта-биттадан танглайнинг юқорисига қўйиб, қайнаган сув билан ютилади, чайнаш мумкин эмас. Шундан сўнг бир оз ўтгач, чучвара

ични яхшилаб суради. Шу усул билан ични тозалаш ўртада 1-2 кун танаффус билан 2-3 марта тақорланади. Шундай қилган кишилар янаги шафтоли гулигача бир қанча касалликлардан фориғ бўлади, қони тозаланади, юзи тиниқлашади.

Баҳорда ични тозаловчи ва озуқа берувчи кўк овқатлар қаторига, шунингдек, ток оши — коваток ҳам киради. Яъни, токнинг дастлабки баргларига қийма туғиб, таом тайёрлаш ва уни бир неча бор истеъмол қилиш ички аъзоларни нордон сув билан таъминлади.

Биз эрта баҳорда бутун йил бўйи касал бўлмаслик учун турли кўкларни истеъмол қилиш зарурлиги ҳақида баъзи фикр-мулоҳазаларнигина айтдик, холос. Шунга оид яна бир қанча бошқа тадбирлар ҳам бор, бироқ ҳаммасини изоҳлаш мавзудан чиқиб кетиш бўлади. Шу боис фақат асосий тадбирларга тўхтаб ўтмоқдамиз. Шундай тадбирлардан яна бири баҳорги ёмғир сувини қайнатиб, ундан бир неча бор чой дамлаб ичиш, таом тайёрлашда фойдаланиш, иситиб чўмилиш, соч ювишдан иборат.

Қисқаси, саломатликни йўлга қўйишда баҳор ҳамиша энг муҳим мавсум ҳисобланган.



ЁЗГИ МУОЛАЖА

Эрта на кеч баҳор — «илик узилди» даври ўтиб, өз баландда ҳам саломатликни мустаҳкамлаш учун бир қанна тадбирларни амалга ошириш керак. Улардан инг муҳимларига тұхтаб ўтамиз.

Болаларимизнинг соғломлигини яхшилаш ва қалыптушишининг олдини олиш учун енгил бош киңими, қалта иштонча ва енгил шипшак билан оғында торғизищ, ўйнатиш керак. Токи, уларнинг балдини кеч күз келгунча аста-секин қорайсиян, чиникесин, табобат тилида айтганда «нафланси», заңнанай тиббиёт тили билан айтганда эса «Д» витаминынга түйсисин. Қүёш нури болаларнинг баданиши қорайтиради, чиниқтиради, ташқи ва ички аъзомарни соғлом ва бақувват, сүякларни пишиқ қилауди, коний тозалайди. Натижада кеч күз ва қища болаларнинг томори, оёғи, күзи, қулоги оғримайди, пұттамайди ва шамолламайди. Болаларнинг юзи тоза тиңиқ рангда бұлади. Қорайған бадан эса қишиштегі ярмиға бориб яна оқарыб кетади.

Вада офтобдан чиниқиши нафақат болалар, балки жаңылар учун ҳам касалликнинг олдини олишдаги муҳим тәдбیرдир. Айниқса, бели, құли ё оёғи оғрийдігін, шунингдек, нафас йұллари касал одамлар учун энг жарурий муолажа ҳисобланади. Катта одам офтобга чиққанида ҳам боши ва юзига нур тушмаслиги шарт. Офтоб тушиб турған жойларға дөр қилинган пахта ёғидан сурқаб олиш яхши, у баданға қүёш нурини кератича утказиб, ортиқчасини түсіб қолади. Офтобда чиққишишин ҳам ўз тартиби бор. Жавзо (май) ойида офтобға чиққиши соғлом одам учун ҳар куни 3-4 соат бўлиб, олдиндан қатиқ ичиш маъқул. Офтобға чиққиши тұртта бўлиши керак, яъни ҳар соатда салқында дам олиш керки. Салқында дам олғанда қайнатилған ўрик сувидан иссиқ-иссиқ, түйиб ичиш тавсия қилинади.

Саратон — сумбула (июн — август) ойларида офтобга тўрт марта ярим соатдан чиқиш керак. Мезон (сентябр) ойида буни 8-10 соатгача кўпайтириш керак, чунки куз офтоби жуда фойдали ва «юмшоқ» ҳисобланади. Офтобга чиққанда тўшаксиз тахтада бир гал осмонга, кейинги гал ерга қараб ётиш керак, токи баданинг иккала томони баробар чиниқсин.

Ёз фаслидаги яна бир муҳим тадбир кўлоб сувда кеч соат 5 дан кейин узоқ сузиб, чўмилишдир. Чўмилиш нафас йўлларини яхшилайди, бод касаллигининг олдини олади ва мушакларни бақувватлаштиради. Бадани бу хил чиниқтириш катта-ю кичикка баб-баробар фойдалидир.

Ёзда тўғри овқатланиш муҳим ўрин тутади. Қовурилган овқатлар, қази, кабоб, тухум, сут, шўр егулик иложи борича камайтирилиб, асосан қайнатма, димлама, суюқ овқат, кўпроқ мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари истеъмол қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Дўкон ва қандолатчилик ширинликларини ниҳоятда камайтириш керак, чунки ёзнинг иссиқ кунларида қовурилган овқат ва ортиқча ширинлик инсон саломатлигига катта зарар етказади.

Йил бўйи истеъмол қилинадиган озиқ-овқат ичида чой муҳим ўрин тутади. Жумҳуриятимизнинг бир виляоятида яшовчилар памил чойни хуш кўрса, бошқа виляоятдагиларга кўк чой ёқади. Иккаласи ҳам фойдали, лекин ёзнинг иссиқ ойларида табобат нуқтаи назаридан кўк чой ичган маъқул. Умуман олганда, икки хил чой билан чекланмасдан, чой турларини кўпайтирган яхши. Масалан, бир кун ичак доғларини ювиш мақсадида доғсув, яъни ҳеч қандай дамлама солинмаган қайноқ сувнинг ўзини ичиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, вақти-вақти билан олма қоқи, ёнгоқ ва бодом мағзи, тут майиз, жийда пусти, наъматак, төғ раённидан ва ҳоказолардан чой дамлаб ичиб туриш соғлиқقا ижобий таъсир қиласди.

КУЗ ВА ҚИШДА БОЛАЛАРНИ КАСАЛЛИКДАН АСРАШ

Куз ва қишида болаларни асосан шамоллашдан асраш керак. Бунинг учун ётиш олдидан уларнинг кураклари, томоги ва тиззаларига құчқорнинг эритилган думба ёғидан суркаб, ишқаб, баданга едириб юбориш зарур. Шунингдек, ётиш олдидан оёқларини иссиқ сувда буғлаш лозим. Кундузи қайнатилган ўрик сувидан бир неча бор иссиқ-иссиқ ичириш болаларнинг ички аъзолари ва томогини шамоллашдан асрайди. Худди шу тадбирларни катталар учун ҳам құллаш мүмкин. Қолаверса, куз ва қишида ҳафтада бир марта ҳаммомда узоқ терлаш болалар учун ҳам, катталар учун ҳам соғлиқни сақловчи энг муҳим тадбирлардандир.



БАДАНТАРБИЯ ХОСИЯТИ

Халқ табобати инсон саломатлиги учун бадантарбия нақадар муҳимлигини қайта-қайта таъкидлайди. Үтмишда ота-боболаримиз 20-25 чақиридаги бозорга қоп орқалаб борар ва мол сотиб, керакли нарсаларни олиб, яна қоп орқалаб уйга қайтар эди. Бозор бўлмаган кунлари одамлар ўз ҳовлисида ер чопган, тўнгак ковлаган, ўтин ёрган, ўт ўрган, сув ташиган, хуллас, эртадан кечгача жисмоний иш қилган. Ҳатто ақлий меҳнат кишилари — шоирлару олимлар ҳам ўз ерида хўжалик ишлари билан шуғулланиб туришган. Натижада бадантарбия билан алоҳида шуғулланишга вақт бўлмас, тинимсиз жисмоний ҳаракатнинг ўзи бадантарбия ўрнига ўтар эди. Шунга қарамай, бадантарбия билан маҳсус шуғулланган одамлар — полвонлар ҳам бўлган.

Ҳозирги замонда одамлар деярли пиёда юришмайди, айниқса шаҳарларда жисмоний иш жуда кам. Үтмишга нисбатан ҳозирги одамлар яхши овқатлашиади, овқат турлари 2-3 баробар, 5 баробар кўпайди. Яъни, емак-ичмак бисёр, бироқ уларнинг кучини сарф қилиш жуда камайди. Кўпчилик одамлар бадантарбия қилишга вақтим йўқ деб, зорланади. Бу ўзини-ўзи алдашдан бошқа нарса эмас, чунки кундалик ҳаётида тартибга ўргангандан ҳамиша вақт топа олади.

Масалан, кеч соат 11 дан то 1 гача бўлган вақтда бадантарбия билан шуғулланиш мумкин. Бу пайдада болалар ухлайди, тинч кеча бошланади. Соат 11 дан 12 гача равоқда, уйда, йўлакда ёки ҳовлида енгил ютуриш, 1 гача танлаб олинган турли жисмоний машқларни бажариш ва сўнг енгил ювиниб ётиш керак. Бу билан овқат яхши ҳазм булади, қаттиқ ухланади. Тўғри, биринчи ўн кунликда, яъни бадан мослашиб олгунча, қийинроқ булади. Сўнг иш

силлиқ кетаверади. Бадантарбияни ҳар бир инсон
ўзининг соғлиғи олдидаги бурчи деб билиши керак.

Ҳажга бормоқчи бўлган биродарлар ҳар куни З
соат пиёда юриши ва ёз ичи офтобга баданини ту-
тиб, қорайтириши шарт. Зотан, бу сафар жисмо-
нан бақувват, қуёш нури ва иссиқликка чидамли
булишни талаб қиласи.



МИЗОЖИНГИЗ ҲАҚИДА

Мизож қонуниятига кўра, ер юзидағи барча жонли-жонсиз мавжудотлар, дов-дараҳтлар, гиёхлар, мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари ва ҳаттоки одам томонидан тайёрланадиган озиқ-овқатлар ҳам маълум бир мизожга мансубдир. Мизож уч хил кўринишда: иссиқ, совуқ ва нам (ўрта) мизож бўлади. Бироқ одамлар ва ҳайвонлар иссиқ ёки совуқ мизожга оид, уларнинг ички ва ташқи аъзолари ҳам маълум мизожга эга. Мизож иссиқ ёки совуқ бўлишидан қатъи назар, ўз йўлида маълум бир мувозанатга хос ҳолдир. Тарихий тиббий асарларда бу маълум бир кайфият, деб изоҳланади. Ҳар бир мизож тўрт қисмдан ташкил топади: иссиқлик, совуқлик, қуруқлик ва ҳўлликдан. Уларнинг ўзаро мувозанатда туриши — шу тўрт қисмнинг бир-бирига нисбатан мослик ҳолатидир.

Одам мизожидаги қисмларнинг ўзаро мувозанати бузилиши туфайли касал бўлади. Тарихий тиббий асарларнинг кўпчилигига касалликни қисқа қилиб, одам танасидаги ҳўллик ва қуруқлик мувозанатининг бузилиши деб курсатилади. Лекин бу жуда қисқа ва содда ифодадир. Аслида одамнинг касал бўлишидаги сабаблар юқорида қайд қилинган тўрт қисмнинг бир-бирига бўлган мураккаб муносабатидаги бузилиш туфайли содир бўлади. Одамнинг ички ва ташқи аъзоларидағи мураккаб ўзгаришларни билдирувчи омил — ҳар бир билагидаги еттитадан томирларидир. Эркак билан хотин кишининг билак томирлари уриши ва жойлашишида фарқ бор. Етти томирдан ҳар бирининг уришида ўзига яраша феъл-атвори, мақоми, иссиқ-совуқ ҳолати, қофияси, салмоғ кўриниши, тартиби бор. Етти томирни якка-якка куринишдан ташқари, бирдан иккитасини ёки учтасини кўриш (босиб ту-

риб билиш) мумкин. Томирларни босиб кўриш асосида ҳатто мутлақо соғ одамнинг мизожини ҳам аниқлаш мумкин. Бу йўл билан мизож аниқлаш далилли ҳисобланади.

Лекин ҳаётда асосан одам касал бўлганда халқ табиблари касаллик сабабини аниқлаш мақсадида томир кўриш билан мизожни ҳам аниқлашган. Мизожни аниқлашда беморнинг ёши ва жинсига эътибор берилади, чунки тирик жонда (одамда, ҳайвонда) ёш ўтиши, улғайиши туфайли мизож юмшаб, кучсизланиб боради. Лекин тирик жонда мизож ўзгариши, яъни, совуқ мизож иссиқ мизожга айланниб кетиши мумкин эмас. Одам ёшликада қандай мизожда бўлса, қариганда ҳам шу мизожда қолади. Беморни даволаш учун аввало унинг мизожини билиш муҳим ўрин тутади. Бу эса табиб учун касалликни даволаш усулини белгилашга, дори танлашга, энг муҳими — шу дарднинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Зотан, совуқ мизожли одамни даволаш усули худди шу дардга чалинган иссиқ мизожли одамни даволаш усулидан фарқ қиласи, албатта.

Табиб мизожни билак томирларини кўриш билан билишдан ташқари, bemorning юзига, кўзига ва тилига қараб ҳам аниқлай олади. Шунингдек, мизожни bemor истеъмол қиласидан кундалик озиқовқатни сўраб билиш орқали ҳам аниқлаш мумкин. Демак, мизожни аниқлаш йўллари турлича бўлиб, табибининг билими, тажрибаси ва зеҳн-заковатига боғлиқ. Буни мураккаб ва кўп тармоқли илм дейиш мумкинки, бир мақолада изоҳлаб бўлмайди. Бу ўринда биз мизож ҳақидаги тушунчага аниқлик киритиб, умумий маълумот беришга ҳаракат қилдик, холос. Аслида эса мизож шу мавзуда алоҳида китоб битилишини тақозо этади.

ТУМОВ

Үрта аср табиблари тумовни бир нечта турларга эга бўлган ўзига хос касаллик эканини таъкидлайдилар. Абу Бакр ар-Розий (865–926) тумонинг давоси ҳақида гапириб, касални бошидан иссиқ сувни то уни мияси яхши сезмагунча жилдиратиб, оз миқдордан қўйиб турилишини тавсия қиласди. Ёки бир парча зифир латтани оловга тутиб, қиздириб, тахлаб туриб, бошни қоқ ўртасига қўйиб, қиздирилиши шартлигини ёзади.

Иссиқдан бўлса, бошга совуқ сув қўйишни, совуқдан бўлса, иссиқ сув қўйишни айтади.

Ҳамюртимиз, бутун дунё тан олган машҳур табиб, ибн Сино (980–1037) тумов бўлган одамга тўйиб овқат емаслигини ва доим бошни иссиқ сақлашни тавсия қиласди.

Үрта аср табибларидан Бобур Мирзонинг хос табиби Юсуфий ибн Муҳаммад (XVI-аср) касалликни иккига бўлади — совуқдан ва иссиқдан.

1. Иссиқ тумовда миядан сув томоқقا ёки бурунга оқади, у зўкам деб, аталади. Уни даволаш учун нилуфар шарбатини ичишни, арпадан овқат тайёрлаб истеъмол қилинишини айтади.

2. Совуқдан бўлган тумовда бурундан тушадиган сув совуқ бўлади, бош ва юзда оғриқ бўлади. Уни даволаш учун зуфо шарбатидан ичиш кераклигини ва нўхат шўрва ичишни буюради.

Табиб Юсуфий дориларини ичида айтилган шарбатларни тайёрлаш бугунги кунда жуда қийин иш.

Биз бу касални изоҳлашда ва даволашда ҳозирги замон халқ табобатини кўзи ва билими билан иш кўрамиз. Бобокалон табибларимизни айтганлари биз учун мактаб, йўлланма ва хазина ҳисобланади.

Тумов касали дунёда энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, асосан кеч кузда, қишида ва

эрта баҳорда пайдо бўлади. Бунинг сабаби шу даврда жисмоний иш қилиш фаолияти пасаяди, пиёда кам юрилади, одам бадани заифланади, совуқ ҳавода нафас олиш тезлашади. Об-ҳавони ҳисобга олмай кийиниш туфайли одамнинг баъзи аъзолари совуқ қотади. Шунингдек, овқатланиш ҳам муҳим рол уйнайди: совуқ туфайли одамлар кучли овқатларни, чунончи, қовурилган овқатлар, тухум, кабоб, сут ва айниқса, ширинликни кўп истеъмол қилишади, натижада кучсизланган баданда мувозанат бузилади. Ўзбек халқида «чиллада совуқ сув ҳам иссиқлик» деган ажойиб бир мақол бор. Шунинг учун ҳам куздан бошлаб то баҳоргача шолғом шўрва ичиш, шолғом ва турп истеъмол қилиш қадим замонлардан бери тавсия қилинади.

Тумов йилнинг бошқа фасларида ҳам учраб турди, яъни, шарт-шароит яратилса пайдо бўлиши мумкин. Беморларда касаллик мизож ва мизож дарражасига борлиқ ҳолда бир хилда кечмайди. Айниқса нафас йўли касал одамлар учун тумовдан тузалиш жуда оғир.

Бу касалликни даволашда замонавий тиббиётда ҳам, халқ табобатида ҳам кўпдан-кўп дори-дармон мавжуд. Шунингдек, бир қанча тавсияномалар бор. Бироқ бу ўринда энг содда ва арzon муолажа усулини, топилиши осон бўлган дори-дармонларни кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Аввало, bemor кўрпа-ёстиқ қилиб, ётиб даволаниши шарт. Agar oёқда юриб даволанса, bu касаллик бирон ички аъзога оғир асорат беради, яъни кутилмаганда янги, хавфли дардга дучор қиласи. Бемор ҳар 2 соатда яримта пиёзни ёки ярим боғ кўк саримсоқ пиёзни майдага тўғраб, ярим коса қатиқса солиб, эзиг аралаштириб, бир бурда суви қочган нон билан еб олиши керак. Bu асосий дори. Шунингдек, тушлиқда ва кечқурун қовурилмаган,

гүштсиз оқишоқ хўрда ёки пиёва ичиши керак. Беморнинг хоҳишига қараб иссиқ қоқурум ичириш ҳам мумкин. Даволаниш даврида қовурилган ва ёрлиқ овқатлар, шунингдек, тухум, кабоб, сут ва ширинликлар тақиқланади. Шакар қўшилмаган мева сувлари, сабзавот сувлари ичиш мумкин, айниқса қайнатилган ўрик суви яхши.

Бемор ҳавоси тоза, ҳарорати 26-30 даражада бўлган алоҳида хонада ётиши шарт, бу ерда радио ва ойнаижаҳон бўлмасин, уй чирогининг қуввати 40-60 ваттдан ошмасин. Бемор ётган уйга унга қараётган ягона одамгина кирсин, у ҳам оғзига 4 қаватли дока тутқич тутиб кириши ва ҳар сафар ташқарига чиққанида қўлини совунлаб ювиши шарт. Беморнинг идишлари алоҳида бўлиши керак. Унга чой ўрнида янтоқ ёки наъматак дамлаб бериш мумкин. Бемор ёнида туфлаш учун ярим сувли шиша банка ёки сирланган кастрюл бўлиши ва тез-тез янгиланиб турилиши керак. Бурунни артиб туриш учун сочиқ ёки рўмолча доимо bemorning ёнида бўлгани маъқул, у ҳам алмаштириб турилиши шарт.

Бемор кечаси ерга қараб ётиши тавсия этилади, бунинг учун ёстири юмалоқ (лўла ёстиқ) ва қаттиқ бўлгани яхши, акс ҳолда ухлай олмайди. Бу хонада исириқ тутатган маъқул. Кечаси bemorning оёқ тагига асал компресс қилиб, пайпоқ кийгизиб ётқизиш керак. Даволаниш даврида чўмилиш мумкин эмас, ётган жойда ҳўл, илиқ латта билан артиниш кифоя қиласи.

Тумов бўлган bemor ана шу муолажа тадбирлари билан даволанса, жуда тез, осон ва яхши тузалади, узори билан икки кунда шифо топади. Тузалгандан кейин ҳам эҳтиёт тарзида бир ҳафта, ўн кун мобайнида гўшт, ёғ ва дўкон ширинликларини истеъмол қиласлик тавсия этилади. Асосан суюқ овқат истеъмол қилиш керак.

Аллоҳнинг ўзи шифо берсин. Омин.

ЧИПҚОН

Чипқон халқ тилида «таги катта яра», «учи йўқ яра» каби номлар билан ҳам машҳур. У шамоллаған одамнинг юзи, бўйни, сонига ёки бошқа аъзоларига чиқиши мумкин.

Демак, чипқонга шамоллаш сабаб бўлади, уни табиий йўл билан даволаш мумкин. Бунинг учун сариқ ёки оқ пиёз орасидан сиёҳ рангидаги, яъни сафсар рангли пиёздан бир донасини олиб, ёниб бўлган ўтнинг қўрига кўмиб пишириш керак. Қўр тайёрлашнинг иложи бўлмаса, газ плитанинг духовкасида пиширса ҳам бўлади. Пиёз 10-15 дақиқада пишгач уни қўрдан олиб, устки қатламидан бир қавати тозаланади, сунг ўртасидан кесиб, икки паллага ажратилади. Пиёзнинг бир палласини кесилган томони билан яра устига қўйиб, устидан бир қават дока билан ҳовол (бўшроқ қилиб) боғлаш лозим. Пиёз палласи 2-3 соат тургандан кейин уни олиб ташлаб, иккинчи паллани иситиб қўйиш лозим. Бу тадбирдан мақсад — пиёз ёрдамида яранинг ичидаги йирингни пишириб, фасодга айлантириш ва чиқариб ташлаш. Бунинг учун баъзан бир неча пиёзни пишириб, паллалаб қўйишга тұғри келади. Яра тез ёки секин даволаниши унинг катта-кичиклигига, даволаш эрта ёки кеч бошланишига, шунингдек, bemorning mizojiga boglik. Piёz қўйиб бориш натижасида яранинг йиринги пишириб, фасод ташқарига ўзи отилиб чиқади.

Энди ярани марганцовкали илиқ сувда ювиб, стрептоцид сепиб, ҳовол боғлаш керак. Даволаниш даврида bemor совуқ сув ичмаслиги, совуқ овқат емаслиги ва айниқса шамолламаслиги шарт. Шунингдек, суюқ хамир овқат истеъмол қилиш, кўк чой ичиш ҳам мумкин эмас. Сиёҳ ранг пиёзни ўтга кўмиб, у билан ярани даволаш шамоллаш орқаси-

да пайдо бўлган ҳамма яраларга тааллуқлидир. Тўғри, бундай яраларни пиёздан ташқари турли малҳамлар билан даволаса ҳам бўлади. Бироқ кўпчилик буни билмайди, чунки малҳам асосан ҳалқ табиблари томонидан тайёрланади. Шуни ҳисобга олиб, чипқонни даволашнинг энг содда усулини баён қилдик.

Чипқонни шу тартибда даволаганда жароқатланган жойда бирон из ё тириқ қолмайди. Шунингдек, bemor оғриқни жуда кам сезади. Даволангандан сўнг, у энди ўзини шамоллашдан эҳтиёт қилмоғи керак, акс ҳолда касаллик сариқقا ўхшаб қайталаши, яна чипқон чиқиши мумкин.

Табобат тарихида чипқон яраларнинг бир кўриниши ҳисобланиб, уни даволаш билан бобокалон табибларимиз ҳам шугулланганлар. Масалан, Абу Бакр ар-Розий (865–926) яраларни даволашда турли суртма ва малҳамлар, ҳаттоқи, оддий алоэ шиллигини чаплаш усулини ҳам айтади.

Абу Али ибн Сино (980–1037)нинг таъкидлашича, мушак лат ейиши орқасида пайдо бўлган ҳамма бошқа яраларни даволашда уларни қуритадиган дорилардан фойдаланса бўлади.

XVI асрда яшаган Бобур Мирзонинг хос табиби Юсуфий ибн Муҳаммад, чипқон касалини хурож ёки думмал, деб номлайди. Даволашда қон олдиришни, иссиқ малҳамлар қўйиш лозимлигини айтади.

Чипқон шамоллашдан ташқари ҳазм йўларидағи заҳарли хилтлар миқдордан кўпайиб кетганда, шунингдек, ҳаммомга узоқ тушмаслик орқасида терининг устки қатлами қалинлашиб кетиши туфайли ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Демак, «озодалик туман бойлик» деган гапда катта маъно борлиги бежиз эмас. Одам терлагандা баданга чанг заррачалари келиб қўнади. Бу ҳол қичишиш ҳосил қиласди ва одам бехосдан уша жойни

қашлаб құяди, шунда ҳам яра пайдо бұлади. Ях-
шиси рұмольча билан артилса, нам, чанг кетади ва
маълум даражада қичишган жойни қашлаган бұлади.

Кимки, бу дардларга учраган бұлса, Худонинг үзи
шифо берсин. Омин.



ТЕМИРЭТКИ

Бу касаллик халқ тилида «құтири», «қичима» каби номлар билан ҳам аталади. Унинг бир қанча асосий күринишлари бор:

1. Эт устида йириңгли майда пұфакчалар пайдо бұлади. Улар бир текис әмас, баъзиларида йириңг пишиб, қашлаш натижасыда тешилиб, қон аралаш оқа бошлайди. Баъзи пұфакчалар әндигина қизарыб келаётган бұлса, бошқалари ярим пишган ҳолда бұлади.

2. Эт устида майда, узунчөк, саёз ёрілмалар пайдо бұлади, шунингдек, қашлаш натижасыда майда, юпқа ва оқишиң эт парчалари ажралиб чиқади. Эт усти деярли қуруқ ва қаттиқ бұлади.

3. Эт устида майда-майда, қуруқ ва қорамтири тошмалар пайдо бұлади, қашлаш натижасыда улардан майда оқ «керапчалар» ажралиб чиқади. Эт усти қаттиқ ва құтири бұлади.

Темирэткининг яна бошқа күринишлари, чунончи, майда қизил тошмадан иборатлари ҳам бор, лекин асосий турларини биз юқорида санаб үтдик. Бу касаллик қандай күриништә бұлмасин қичишиш хусусиятига эга ва қашлаш натижасыда эт усти бузилади, оқ ҳоллар пайдо бұлади. Темирэтки асосан оёқ, құл ва бошқа аъзоларға тошиши мумкин.

У одамда қон бузилишидан келиб чиқади. Бунинг сабаби одам баданида иссиқлик овқатлари ҳаддан ташқары құпайиб кетишидир. Масалан, шириналық, шунингдек, қовурилған овқатни керагидан ортиқча истеъмол қилиш, баъзан қази ва мошга ружу қўйиш темирэтки касаллигини келтириб чиқаради. Тўрги, истеъмол қилинган иссиқлик овқатлари ва шириналықнинг қувватини жисмоний иш қилиб чиқараби ташлаган одамларда ҳеч қандай темирэтки учрамайди. Бу касаллик анчагина мураккаб, замонавий тиб-

биёт унга қарши хилма-хил даволаш усулларини қўллаб кўрмоқда, бироқ натижа кутилганча эмас. Темирэтки дардига мубтало ўсмиrlар худди кечаси сийиб қўядиган ёшлар каби, ҳарбий хизматдан озод қилинади.

Абу Али ибн Сино (980-1037) темирэтки касалини ҳамма турларини даволашга катта аҳамият берган. Бу дарднинг келиб чиқиши, албатта иссиқликдан эканини таъкидлайдилар. Уни даволашга келганда ибн Сино дорилардан ташқари зулук солишнинг, ҳаммомга тушишнинг муҳимлигини уқтиради. .

Халқ табобатида, темирэтки касаллигини даволашнинг жуда кўп, хилма-хил усуллари ва дорилар мавжуд. Бироқ биз бу ўринда даволашда қўпчиликнинг қўлидан келадиган ва арzon доридармонларни айтмоқчимиз.

Биринчидан, bemор қандолатчилик ширинликларини вақтинча истеъмол қўлмаслиги шарт, лекин ҳамма мевалар ва асал мумкин. Иккинчидан, қовурилган овқатлар, тухум, кабоб, сут ва шур егулик мумкин эмас. Бу рўйхатга мош ва қазини ҳам қўшиш керак. Энди темирэтки тошган, жароҳатланган ернинг ҳар бир квадрат сантиметрига уч донадан ҳисоблаб зулук қўйиш керак. Масалан, 10 квадрат сантиметр жойга 30 зулук қўйилади. Уни ҳар 2-3 кунда, кунига 5-6 донадан қўйиш керак. Зулуклар, албатта, дорихоналардан олиниши зарур.

Жароҳатланган жойга мўлжалланган зулукларнинг ҳаммасини қўйиб бўлгандан сўнг, суркаш учун дори тайёрлаш керак. Бунинг учун шиша идишга 100 грамм узум сиркаси қўйилади ва унга алоz баргининг ичидаги шиллиқ сувидан 100 грамм қўшилади. Кейин магазин оқ сиркасидан 25 грамм қўшилади ва шиша оғзи маҳкам беркитилади. Дори тайёрлангандан бир кун ўтгач, ундан пиёлага озги-

на қүйиб, тоза доканинг бир парчаси дорига ботирилиб, жароҳатланган ерга кунига уч маҳалдан суркалади. Муолажа икки ой давом этиши зарур. Жароҳатланган ернинг ўлчамига қараб, дорини кўпроқ ва янги-янги тайёрлаб турган маъқул. Юқоридаги кўрсатмалар тўғри ва тўлиқ бажарилса, bemor албатта даво топади.

Ёз келиб, кунлар исигандан жароҳатланган жойни офтобга тутиб қорайтириш керак, шунда даволаниш пухта бўлади. Темирэткини даволаш даврида, бир ой ичида, ҳар куни бир чой қошиқдан олтингугурт ичиш шарт, уни албатта, дорихонадан олинг.

Умуман, темирэтки — эт устидаги тошма касаллик бўлиб, жуда қадимги жароҳатдир. Темирэтки асосан иссиқ мизожли одамларда пайдо бўлади ва шамоллашга алоқадор эмас. Унинг ҳамма кўриниши юқма ҳисобланади, шунинг учун яшириб юрмаслик керак. Темирэткини фақат совуқ сувда ювиш мумкин, чунки мизожи иссиқдир. Темирэтки даволаниб, тузалиб кетгандан кейин ҳам бир йил мобайнида парҳез қилиш лозим. Зулук солинган ерларга икки йил давомида яна зулук солиш керак, бироқ зулук сон жиҳатидан камайтириб борилади. Масалан, биринчи йили 30 та зулук солинган бўлса, иккинчи йили 10-12 та. Учинчи йили 5-6 та зулук солинади. Агар шундай қилинмаса, зулук солинган ерлар қичишиши мумкин. Кейинги икки йил ичида зулук солиб боришни шу касалликни даволашнинг ўзига хос хусусияти деб билиш керак.

Энг охирги дори шуки, уч ой ҳар куни ётиш олдидан куйдирмайдиган даражадаги исириқ қайнатмасига жароҳатланган жойни солиш керак. Бунинг учун бир бор исириқни майдалаб, пақирга солиб, тўлдириб сув қўйиб, 20 дақиқа қайнатиш лозим. Сув совугач, сувдан чиқиши ва бошқа сувда чайқамай,

артмай этни қуритиш лозим. Челакдаги сувни эртасига иситиб яна ишлатса бұлади. Яъни бир борисириқ қайнатмаси 15–20 кунга етади.

Бу дардга чалинган ҳамма бандаи мұмиларға Аллохнинг ўзи шифо берсін. Омин.



КИЧИК ТИЛ КАСАЛЛИГИ

Иилнинг совуқ фаслларида кўпинча ёш болаларда танглайнинг охирига жойлашган кичик тил шамоллаш натижасида яллиланади, ҳатто яра ёки ярачалар пайдо булади. Овқат ютуми қийинлашади, нафас олиш тартиби бузилиб, томоқдан ҳаво ўтиши ҳам мураккаблашади. Бола иситмалаб, инжиқлашиб қолади. Замонавий тиббиёт «ангина» деб атовчи бу касаллик боланинг умумий саломатлигига салбий таъсир қиласи, шу сабабли ҳам оила аъзолари бе-зовталаниб, уни тезроқ даволашга уринишади.

Гарчи бу касаллик анчагина оғир ва хавфли бўлса ҳам, уни ҳалқ табобати йулида осонгина даволаш мумкин. Бунинг учун озроқ тайёргарчилик керак. Аввало, узунлиги 15 сантиметрли ингичка чўп олиб, учига тоза дока парчаси уралади. Энди қуйидаги 6 хил дорини алоҳида пиёлаларда тайёрлаб, чуннинг дока үралган учи билан кичик тилнинг устига, ёнларига суртиб чиқиши керак.

1. Сиёҳ рангли пиёздан бир донасини ўтнинг қўрига кўмиб, 10-15 дақиқа пишириб олинади, устки қаватини олиб ташлагач, сувини сиқиб пиёлага қўйиш керак, пиёз суви иссиқ бўлсин, лекин куйдирадиган даражада эмас.

2. Бир грамм тоза мўмиёни сувда эритиб пиёлага қўйиш керак, у ҳам илиқ бўлсин.

3. Алоэ баргининг шарбатидан бир қошиқ тайёрлаш керак.

4. Тўртинчи пиёлага кўчкорнинг эритилган думбасидан бир қоширини қўйиш керак, у ҳам иссиқ бўлсин.

5. Бешинчи пиёлага тоза керосиндан бир қошиқ қўйиш, лекин иситмаслик лозим.

6. Олтинчи пиёлага бир қошиқ асал солиб иситиши керак.

Шундай қилиб, боланинг кичик тилини олти хил дори билан эмладик. Эмлаш ҳар соатда такрорла-ниши зарур, яъни олти хил дори ҳар соатда бирин-кетин қайтарилисинг. Энди қора зирадан бир чой қоширини З пиёла сувда токи бир пиёла қолгунча қайнатиб, у билан боланинг орзини чайқаш, яъни гаргара қилдириш керак.

Касал болага чой ўрнида наъматак дамлаб бериш, шунингдек, узоқ қайнатилган туршак сувини иссиқ-иссиқ ичириш зарур. Анжирни қайнатиб сувидан иссиқ-иссиқ ичириб туриш керак. Ётиш олдидан боланинг оёқларини иссиқ сувда то у совугунча ушлаб туриш, сўнг оёқ кафтига асалдан компресс қилиб, пайпоқ кийгизиб ётқизиш, эрталаб олиб ташлаш даркор.

Овқат суюқ ва қовурилмаган бўлиши шарт. Суюқ хамир овқатлар мумкин эмас. Дўкон ширинликлари ҳам вақтинча тақиқланади. Сут гарчи қайнатилган бўлса ҳам мумкин эмас.

Юқорида айтилган дорилар тұла ва тұғри құлланилса, бола 2-3 кунда соғайиб кетади. Бироқ кичик тилнинг устида фасодли яралар бўлса, даволаниш бир оз чўзилади. Даволаш даврида болани иссиқ тутиш, совуқ нарсалар едирмаслик ва ичирмаслик шарт. Яна бир муҳим дори — ётиш олдидан томографига асал компресс қилинса ва ўраб ухлатилса, бола тез ва осон тузалади.

Кичик тил касаллигини даволашда дорининг тури кўп, лекин бу ерда энг оддий ва осон дорилар билан даволаш усулини кўрсатиб ўтдик, холос. Бундай касаллик билан катталар ҳам оғриши мумкин, уларга ҳам шу муолажани тавсия этамиз.

Кичик тил яллиғланганда унинг ҳарорати bemorning бадан ҳароратидан юқори бўлади. Эмланадиган дориларнинг иссиқлиги эса кичик тилнинг ҳароратидан пастроқ бўлиши шарт.

Биз — халқ табиблари кичик тилни олиб ташлашга мутлақо қаршимиз, чунки у инсоннинг ортиқча аъзоси эмас, кўричакка ўхшаб, уни олмасдан даволаш керак.

Юқорида кичик тилни даволашнинг фақат биргина усулинни изоҳладик, яна бир қанча мураккаброқ усуллар ҳам бор. Лекин энг яхшиси кичик тил касалланишининг олдини олиш, бинобарин, болаларни шамоллашига йўл қўймасликдир.

Худо шифо берсин. Омин.



ЕЛКА, ҚҰЛ ВА ОЁҚ ОФРИҚЛАРИ

Күпгина ёши улуг отахон, онахонларимиз ел калари, құл-оёқлари қақшаб оғришидан нолиша-ди, кечаларни чала уйқу билан үтказишади. Бу қасаллик күпинча қышдаги ёки әрта баҳордаги шамоллашдан келиб чиқади, шунингдек, тумовнинг асорати бұлиши ҳам мумкин. У енгил шамоллаш бұлиб ҳаёт учун хавфли әмас, фақат қары одамларнинг оромини бузадиган бир ҳол, холос. Даволашда ёши улуг беморларни жисмонан қийнамаслик, уларнинг күнглига, хоҳишига мос келадиган, то-пилиши осон бұлған содда дори-дармонар билан қисқа вақт ичида соғайтириш керак. Бу борада халқ табобатида күп минг йиллик тажриба бор. Елка ва құл-оёқ оғригини даволашдаги әнг асосий дори — Худонинг офтоби ҳисобланади.

Оғриқ елка, құл ёки оёқни яланғочлагач, дөр қилинган пахта ёғини суркаб, офтобга тутиб үтириш ёки ётиш керак. Офтобга чиқиши олдидан түйиб қатиқ ичиб олиш керак. Жавзо (май) ойида офтобга ҳар куни тұрт марта чиқиши, ҳар чиққанда бир соатдан үтириш ёки ётиш лозим. Ҳар соатдан сұнг салқында дам олиш ва қайнатилған ўрик сүвидан түйиб-түйиб, иссиқ-иссиқ ичиш керак.

Саратон, асад ва сумбула ойларида офтобга ҳар куни бир соатдан икki марта чиқиши зарур. Мезон ойида, ҳар куни бұлиб-бұлиб үн соат чиқиши яхши, чунки куз офтоби әнг фойдалы ҳисобланади. «Әзги офтобни келинингга бер, кузги офтобни — қизинг-га» деган мақол ҳам бежиз айтимаган. Офтобга құл ёки оёқнинг олд томонинигина тутмай, навбат билан орқа томонини ҳам тутмоқ даркор. Дөр қилинган пахта ёғини суркаш биринчи ва иккинчи ойлардагина зарур, эт қорайиб олғач, суркамаса ҳам бұлаверади. Ҳар куни кечга бориб, илиқ сувда

чўмилиш ёки ювиниш яхши. Шунингдек, ётиш олдидан қўл ёки оёқни енгил уқалаш ҳам яхши натижга беради.

Даволаниш даврида суюқ хамир овқатлар истеъмол қилмаслик, кўк чой ичмаслик тавсия этилади. Шуни ҳам айтиш керакки, даволанишнинг биринчи ўн кунлиги қийин кечади, сўнг бадан мослашиб, шифоланиш бошланади. Офтобда ўтирганда ёки ётганда тўшак солиш мумкин эмас, чунки иссиқликдан чиқсан тер билан тўшак ҳўл бўлиб, баданингизга зах беради. Албатта, қуруқ тахта устида ўтиринг ёки ётинг.

Бу касалликни даволаш учун жуда кўп усуllibар ва хилма-хил мураккаб дорилар ишлатилади. Лекин бу ерда биз ҳамманинг қўлидан келадиган содда ва арzon усулни изоҳладик.

Бу касаллик ҳақида ўтмишдаги кўп табибларимиз ҳам бош қотирганлар.

Масалан, Бобур Мирзонинг хос табиби Юсуфий ибн Муҳаммад (XVI аср) ёзадиларким, агар оғриқ балғамдан бўлса, сурги ичишни, борди-ю, оғир юқ кўтаришдан бўлса, гул ёрини суркашни тавсия қиласди ва шунингдек малҳамлар буюради.

«Балғамдан бўлса» деганда шамоллашни тушуниш керак. Гул ёри иссиқлик демак, у ҳам даволаш дориларидан бири. Бундан чиқди бизнинг даволаримиздаги дорилар ҳам тарихдаги табибларимиз қўллаган дориларга яқин туради.

Бу дардга чалинганларга Худо ўзи шифо берсин. Омин.

ҚУЛОҚ КАСАЛЛИГИ

Қулоқ үзининг тузилишига кўра мураккаб ва нозик аъзо ҳисобланади. У турли касалликларга дучор бўлади: қулоқ супрасига, яъни ташки қисмига темирэтки тошиши, чипқон чиқиши мумкин. Қулоқнинг ички қисми иккига бўлинади: ўрта қулоқ бўшлиғи ва ичкари қулоқ бўшлиғи. Бу бўшлиқлар ҳам касалланади: баъзан яллиғланади ёки йиринг оқа бошлайди. Қулоқнинг барча касалликлари ҳам инсон ҳаёти учун хавфли, айниқса яллиғланиш ва йиринг оқиши қулоқ суюкларини емирилишига олиб келади, бош мия томон оқиб ўтиши ундан ҳам хавфли ҳисобланади.

Ўтмишда улуг табибларимиз бошқа касалликлар ичидаги қулоқ касаллигига ҳам алоҳида эътибор берган.

Абу Бакр ар-Розий (865–925) йиринг оқиб касалланган қулоқни даволаш учун қон олдиришни, иссиқ сув билан гулобни қулоққа қуишини, оқшиёф томизишни тавсия қилади.

Абу Али ибн Сино (980–1037) бола қулоғидан суюқлик оқса бунинг сабаби ҳўллиқдан (шамоллагандан) деб, таъкидлайди. Давосига тўхтаб айтадики, аччиқ тошни туйиб, асал қўшиб суртма тайёрлаб, пилик ёрдамида қулоқ ичига суркашни буюради.

Юсуфий ибн Мұхаммад (XVI аср) қулоқ ярасига қуийдаги даволарни тавсия қилади:

1. Мўмиёдан, гул ёғи ва қашқар упасидан қоришган малҳамни ярага суркаш.

2. Мол ўтидан, қиздирилган асалдан малҳам тайёрлаб, пилик ёрдамида ярага суркаш.

Бугунги халқ табобатининг фикрича, қулоқ касалликларининг аксарияти асосида шамоллаш ётади. Бу аъзо, шунингдек, бирон нарса (бурга, пашша, зулук, суварак ва ҳоказолар) кириб кетиши туфайли ҳам касалланади. Бу ўринда қулоқ касалликлари-

нинг ҳаммасига тұхтаб ўта олмаймиз, фақатгина үрта қулоқ бұшлиғидан ёки ички қулоқ бұшлиғидан йириңг оқиб касалланғанда уни халқ табобати усулида қандай даволашни баён қиласыз. Чунки, айнан йириңг оқиши қулоқнинг энг оғир ва хавфли касаллиги деб ҳисоблаймиз.

Бу борада асосий мақсад қулоқдан оқаётган йириңгни тұхтатиши, йириңг үчорини құритищдір. Касалликни даволашда топилиши осон ва арzon доридармонарни танладик. Бунинг учун узунлиги 10 см чамасида ингичка ва әгилувчан сим тайёрлаб, бир учига дока парчасини үраш керак. Энди қора құчқорнинг эритилган думба ёғидан (жizzани сарғайтирмай үтни үчириш керак, акс ҳолда ёғ күяди) ярим пиёласини иситиб, дока үралған сим учига теккизиб, қулоқнинг йириңг оқаётган ичкари қисміга суркаш зарур. Бу ишни беморнинг үзи бажариши шарт, чунки қаердан йириңг оқаётганини үзи яхши сезади. Даволовчи эса ёғни құли билан беморнинг қулоқ супрасига, шунингдек, 10 см доирада қулоқ атрофига суркаб, ишқалаб, едириб юбориши керак. Сұнг үртаси сопол-у атрофига спирал үралған электр иситгични қулоқ рұпарасига бир газ масофада қўйиб, аста исита бошлаш керак. Иситиш вақти бир ярим соат давом этади.

Эртасига худди шу муолажани тоза, суюлтирилған мұмиёни иситиб туриб, учинчи куни эса үтга күмиб пиширилған сиёҳ рангдаги пиёзни сиқиб, унинг сувида бажариш керак. Тұртингчи куни яна құчқор ёғида, бешинчи куни яна мұмиё сувида, сұнг яна сиёҳ рангли пиёз сувида давом эттирилади. Яъни бу уч хил дори навбат билан айланаверади. Кечаси оғриқ қулоқни енгил боғлаб ётиш керак, токи шамолламасин. Бемор оғиини бир оз иссиқ сувда тутиб, оёқ тагига асал компресс қилиб, пайпок кийиб ётсін.

Даволаниш даврида совуқ нарсалар истеъмол қилиш, совуқ суюқлик, суюқ хамир овқатлар, кўк чой ичиш мумкин эмас. Даволаниш муддати 3 ойдан 6 ойгача чўзилади, яъни, касалликнинг эскиянгилигига, оғир-енгиллигига ва мизожга боғлиқ. Баъзи одамлар қулоғидан 10 йил ва ундан ҳам кўп даврда сассиқ йиринг оқишини билатуриб, мунтазам ва пухта даволанишга ўтмайдилар, бу эса жуда хавфли ва кўнгилсиз оқибатга олиб келади. Юқорида баён қилинган муолажа неча минг йиллар мобайнида тажрибадан ўтган ва беозор усулдир. Қулоқни даволашда замонавий тиббий усуллар ҳам ёмон эмас, лекин қайси усулни танлаш беморнинг хоҳишига ҳавола.

Электр иситгич бўлмаса, қулоқни ўтга тутиб ўтириш ҳам мумкин. Ётганда қулоқ устига сув қофоз устидан пахта қўйиб, сўнг боғлаш керак. Агар имконият бўлса, муолажани бир кунда уч марта тақрорлаган маъқул, шунда даволаниш тезлашади ва бемор икки ой ичидәёқ мутлоқ тузалиб кетади. Йиринг оқиши тўхтагандан кейин ҳам муолажани камида яна 3 ҳафта давом эттириш лозим.

Ҳаммага Худонинг ўзи шифо ато қилсин. Омин.



СИЙИБ ҚҮЙИШ КАСАЛЛИГИ

Қовуқ, буйрак, сийдик пуфаги ва сийдик йўлларининг атрофидаги мушакклар турли даражада шамоллаши туфайли айрим ёш болалар уйқусида сийиб қўяди. Бу ҳол ёшлигида даволанмаган катта одамларда ҳам учрайди. Аскарликка олинган ёшлар даволаниш учун хизматдан қайтарилади. Баъзан шу касаллик сабабли ёш оиласлар бузилиб кетади. Катта ёщдаги одамлар эса, бу касалликни кўпинча яшириб юришади.

Халқ табобатида сийиб қўйиш касаллигини ҳам узил-кесил даволаса бўлади. Энг муҳими шуки, бемор ҳеч қандай озор чекмасдан шифо топади, муолажа арzon ва осон кечади. Фақат муолажа тадбирлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши шарт.

Бу касалликни XVI аср табиби Юсуфий ибн Мұхаммад изоҳлаб, унинг номини арабча «Ал-бабл фил-фираш» деб, номлайди. (Яъни курпада сийиб қўйиш демакдир). Унинг фикрича уйқусида сийиб қўйиш ҳўллик (шамоллаш) туфайли қовуқ мускулининг бўшашидан пайдо бўлади. Сабаби, ортиқча тўйиб овқатланиш. Касалнинг киндик ости совуқ, сийдик рангсиз бўлади.

«Давоси, — деб ёзади табиб, — эрталаб ва кечқурун бир данакдан барشاъшодан истеъмол қилишдир».

Баршаъшонинг маъноси «бир онда фойда етказувчи» демакдир. Бу дори оқ мурч ва мингdevона уруғидан йигирма мисқолдан (1 мисқол — 4,26 гр тенг), афюндан ўн мисқол, заъфарондан беш мисқол, сунбул нозло ўти, фарфиионинг ҳар биридан бир мисқолдан олиб, ҳаммасини жамлаб, туюб, элаб унга 160 мисқол асал аралаштириб, қориб юмалоқ сақачалар ташкил қилинади. Ҳар бир сақа оғирлиги бир данак оғирлигида бўлади. (0,495 гр.)

Бироқ, ҳозирги кунда бу касални даволашда Юсуфийнинг даво дорисини тайёрлаш амри маҳол.

Бугунги кунда халқ табобати бу дардни даволашда қуидаги усул — муолажани құллайды:

1. Бемор бола ҳаммаси бұлиб 60 марта исириқ сувига солинади. Бунинг учун бир бөг исириқни майдалаб, бир пақыр сувда 20-25 дақиқа қайнатиши керак. Энди исириқ чұпларини докада сузіб олиб, сувини ваннага ёки тоғорага қуийб, сув ҳарорати маромига келгач, болани сувга тушириб үтқазиш за-рур. Агар сув боланинг белигача чиқмаса, құшим-ча иссиқ сув қушиш лозим. Тогорадаги (ваннадаги) сувдан чұмичда олиб боланинг елкаларидан қуийб туриш шарт. Сув совигач, болани олиш ва бошқа сувда чайқамай, артмай, чойшабға үраб құритиши яхши, сұнг кийинтириш мүмкін. Тогорадаги (ваннадаги) совиган исириқ сувини пақырларга олиб қуийб, әртасига яна иситиб, ишлатса бұлади. Яъни, бир бөг исириқ суви 4-5 мартагача ишлатилади. Бу муолажа кечга томон, ётиш олдидан бажарилса, яхши натижа беради.

2. Ётиш олдидан оёқ тагига асал компресс қилиш керак. Бунинг учун оёқ кафти шаклини сув қороз ёки салафанда қирқиб олгач, унга юпқа асал суркаб, оёқ тагига ёпиштириб, устидан оддий пайпок-ни кийгизиб қуиши лозим. Эрталаб уни олиб ташлаб, оёқ тагини илиқ, ұл латта билан артиш кепрек. Бу ишни ҳам 60 кун бажарыш даркор.

3. Ётищдан олдин боланинг киндигидан бошлаб оёқ учигача қүй ёғи суркаш яхши даво. Бунинг учун бир қадоқ (400 гр) уч яшар, тим қора құчқорнинг думба ёғини хом эритиб (яъни, жizzани сарғайтиру-май үтни үчириб), ундан ҳар куни 1-2 чой қошиғи-ни пиёлага солиб, иситиб суркаш, суркаганда ҳам ишқалаб, танага сингдириб юбориш зарур.

4. Боланинг боши ва бетига қуёш нури туширмаган ҳолда баданини офтобда даволаш. Бунинг учун болани, айниқса қовуғини яланғочлаб офтоб-га тутиш зарур. Офтоб тушаёттан жойларға дөр

қилингандын пахта ёғини суркаб қўйиш мақсадда мувофиқ, токи офтобда эт арчилиб кетмасин. Пахта ёғи суркаб қўйиш 15-20 кун давом этади холос, сўнг суркамаса ҳам бўлаверади. Бола офтобда тек ётиши шарт эмас, ўйнаб юриши ҳам мумкин. Бу муолажанинг чегараси йўқ — бутун ёз бўйи ва кузда ҳам давом этиши мумкин.

5. Даволаниш жараёнида бола 3 ойгача ҳар куни қўйидагиларни истеъмол қилишӣ лозим: 6 та ёнроқ, 2 чой қошиқ асал, бир боғ кашнич. Шунингдек, кун ора бир кун нўхат ва бир кун ловия ейиш яхши даво бўлади. Чой ўрнида наъматак дамлаб бериш керак. Суюқ, ҳамир овқатлар истеъмол қилиш, кўк чой ичиш мумкин эмас.

Ушбу муолажани катта ёшдаги беморларни даволашда ҳам қўлласа бўлаверади, фақат спиртли ичимликлар ичиш мумкин эмас. Тез ва яхши тузалиш дори-дармон етарли бўлишига, касалликнинг оғир-енгиллиги ва бемор мизожига ҳам боғлиқ. Чала тузалган тақдирда даволаниш муддатини чўзиш зарур. Бу касалликни даволашда қўлланилган дори-дармонлар беморга ҳеч қачон зарап келтирмайди.

Тузалгандан кейин касаллик қайталанмаслиги учун болани шамоллашдан асраш ва чиниқтириш зарур. Масалан, у кеч соат 5 дан кейин кўлоб сувда 1-2 соат чўмилиши яхши. Бундай чўмилишда қовуқ, сийдик пуфаги ва сийдик йўллари шамолламайдиган бўлади. Болани музқаймоқни кўп ейишдан сақлаш лозим, чунки у қовуққа ва томоққа зах беради. Баъзан кичик тил ва қовуқ шамоллаши ҳам музқаймоққа ружу қўйишдан бўлади.

Бу касалликка чалингандын катта ёшли беморларни даволашдаги энг муҳим муолажа офтобда тахта устида ётишdir. Офтоб даволабгина қолмай, инсонни ҳар томонлама чиниқтиради ҳам.

Бу дардга чалингланларга Аллоҳнинг ўзи шифо берсин. Омин.

НОСУР КАСАЛЛИГИ

Үзамонавий тиббиётда парапроктит ёки свиш, халқ тилида эса күтан касаллиги деб юритилади. Бу дардга чалинган одамнинг йўғон ичаги сўнгида аниқроғи орқа тешик атрофидаги эт устида чуқурчалар пайдо бўлиб, улардан вақти-вақти билан йирингли зардоб оқиб чиқади. Бу зардобли чуқурчалар аста-секин кўпайиб боради. Тартибсиз ҳолда жойлашади, катта-кичиликлиги ҳам ҳар хил бўлади.

Носур касаллиги «катта таҳорат»га тўсқинлик қилмайди, чуқурчалар пайдо бўлган жойларда лўқилловчи тўхтовсиз оғриқ бўлади. Носур касаллиги келиб чиқишига бир қанча сабаблар бор: шамоллаш, спиртли ичимликларни ортиқча истеъмол қилиш, орқа билан йиқилиш, урилиш кабилар.

Замонавий тиббиёт бу касалликни жарроҳлик йўли билан даволайди. Баъзан бир неча бор жарроҳлик қилишга тўгри келади. Бу дард одам ҳаёти учун хавфлидир. Халқ табобати эса бу касалликни тифсиз муолажа йўли билан даволайди. Бунинг учун сиёҳ рангли пиёздан бир нечтасини (чуқурчалар сонига қараб) олиб, ёниб бўлган ўтнинг қўрига кўмиб пишириш керак. Қўр тайёрлашнинг иложи бўлмаса, газ плитанинг духовкасида пиширса ҳам бўлади. Пиёз 10-15 дақиқада пишгач, уни қўрдан олиб, устки қатламидан бир қавати тозаланади, сўнг ўртасидан кесиб, икки паллага ажратилади. Пиёзнинг ҳар бир палласини кесилган томони билан ҳар бир чуқурчага ёпиб, устидан бир қават дока билан ҳовол боғлаш ёки дока чеккаларини лейкопластир — ёпишқоқ тасма билан мустаҳкамлаб қўйиш лозим. 1-2 соат тургандан кейин пиёз паллаларини олиб ташлаб, янги иссиқ паллаларни қўйиш керак. Пиёз паллаларини кечак-ю кўндуз қўйиб, узлуксиз алмаштириб бориш керак. Бу муолажадан мақсад — ҳар бир

чуқур ичидағи йириңгни пишириб, фасодға айлантириш ва чиқарып ташлаш. Бунинг учун қанча пиёз кераклиги чуқурчалар сонига, даволаш эрта ёки кеч бошланишига, шунингдек, беморнинг мизожига борлық. Пировардида чуқурчалардаги йириңг пишиб, фасод ташқарига ўзи отилиб чиқиб кетади. Давони тезлаштириш мақсадида, ўтда пишган сиёҳ ранг пиёздан бир-иккитасини сиқиб, сувини иссиқлигидә резинка пуркагич ёрдамида ҳар бир чуқурчанинг ичига юбориш, сұнг устидан пиёз палласини қўйиш яхши натижә беради.

Энди чуқурчаларни марганцовкали қайнаган илиқ сувда ёки дорихонадан олинган сариқ (равноль), (перекись) сувида ювиш лозим. Бу билан даволанишнинг биринчи даври тугайди.

Иккинчи даврда тозаланған чуқурчаларга суюлтирилған (атала күринишидаги) тоза мүмиёни пуркагич ёрдамида бир неча бор қўйиб чиқиши ва шу йўл билан чуқурчалар битиб кетишига эришиш лозим.

Носур дардини беморнинг ўзи даволай олмайди, бу муолажани унинг яқин кишиларидан бири бајаради. Ундан эса ниҳоятда эътиборли, зийрак бўлиш ва тадбир билан иш кўриши талаб қилинади, зотан бу дард, оғир ва мураккабдир.

Даволаниш муддати 1 ойдан 2 ойгача чўзилиши мумкин. Носурни даволашнинг бошқа усуслари ҳам бор. Масалан, турли мураккаб малҳамлар ёрдамида. Бироқ кўпчилик бундай малҳамларни тайёрлашни билмайди, уни халқ табибларигина тайёрлай олади. Шуни ҳисобга олиб, даволашнинг энг содда, ҳамманинг қўлидан кела оладиган усулини баён қилдик.

Даволаниш даврида бемор совуқ сүр ичмаслиги, совуқ овқат емаслиги ва айниқса шамолламаслиги шарт. Шунингдек, суюқ ҳамир овқат истеъмол қилиш, кўк чой ичиш ҳам мумкин эмас.

Даволаниш жараёнида дўкон шириналари

қовурилган, ёғли овқатлар, қази, кабоб, сут, тухум
ва шұр истеъмол қилиш мүмкін зымас.

Хамма мевалар, сабзавотлар мүмкін.

Бу дардга учраган бетобларга Аллоҳнинг үзи
шифо берсін. Омин.



ҚОН БОСИМИ КАСАЛЛИГИ

Қон босими хасталиги кенг тарқалган касал ликлардан бири бўлиб, агар ўз вақтида даволанмаса, асорат бериб бошқа дардларга олиб келади. Масалан, кўзни хиралаштиради, қўл ёки оёқни фалаж қилади, тилдан қолдиради ва ҳоказо. Борди-ю, асорат бермаган тақдирда ҳам bemornинг ҳаёти доимо хавф остида бўлади. Бу дард билан ёшлар ҳам, катта ёшдаги одамлар ҳам оғриши мумкин.

Қон босими касаллиги келиб чиқишига бир қанча омиллар сабабчи. Масалан, нотўғри овқатланиш, тартибсиз ишлаш ва дам олиш, кўп асабийлашиш, ғам-ташвиш кабилар. Ўз ишини яхши ташкил қилган, жисмоний иш ёки бадантарбия билан муунтазам равишда шуғулланувчи ва тўғри овқатланувчи одамлар бу касалликка дучор бўлмайди. Энг муҳими — истеъмол қилинадиган овқатларнинг қувватини сарф қилиб туриш керак. Чунки овқат қуввати кам сарфланиб, маълум қисми йилма-йил баданда тўпланиб бориши оқибатида қон босими касаллигини келтириб чиқаради.

Замонавий тиббиёт бу касалликни узил-кесил даволай олмагани туфайли қон босими бор bemорларда қўрқув уйғотади. Аслида қўрқувга асос йўқ. Зотан, халқ табобати усулида бу касалликни осон ва арzon дори-дармонлар билан узил-кесил даволаса бўлади.

Муолажа бир йилдан бир ярим йилгача чўзида, бунинг сабаби шуки, bemор баданидаги қон босими аста-секин, босқичма-босқич тушириб борилади. Бирдан тушириш bemор ҳаёти учун хавфлидир. Энг аввало, бу касалликка чалинган одамдан даволаниш даврида матонатли, қаноатли, чидамли ва мард бўлишини илтимос қилардик. Чунки, бу даволаш тўғри тартибда, босқичма-босқич ўтишига

ёрдам беради ва пировардида мутлоқ соғайиб кетишга олиб келади. Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, қон босими касаллигини халқ табобати усулида даволаш ҳозирги замон тиббиётининг бу соҳадаги фикрига мутлақо зид бўлиши мумкин. Лекин ҳукмни беморларнинг ўзига ҳавола қиласиз.

Энди муолажа тартибини изоҳлашга ўтсак:

1. Жавзо ойида ҳар куни, бўлиб-бўлиб, 4 соат мобайнида фақат бош кийим ва иштончада офтобга чиқиб ётиш керак. Тахтада ётиш, офтобга чиқиши олдидан тўйиб қатиқ ичиш керак. Қуёш нури тушаётган жойларга доғ қилинган пахта ёғи суркаш зарур. Икки соат осмонга қараб, икки соат ерга қараб ётилади. Ҳар соатда салқинга бориб дам олиш зарур, дам олаётганда шакар солинмай, узоқ қайнатилган ўрик сувини иссиқ-иссиқ ичиш керак. Офтобда ётганда овқат истеъмол қилиш, суюқлик ичиш тақиқланади. Ётиш ўрнига хоҳласа курсида ўтирилса ҳам бўлади. Муолажа пайтида китоб ўқиши, ёзиши, радио эшлиши, умуман, бирон иш билан шунгуланиш мумкин. Кечга бориб, ётиш олдидан илиқ сувда чўмилган яхши.

Офтобга биринчи, иккинчи, ҳатто учинчи чиқишида қон босими бир оз кўтарилиши мумкин. Лекин у тезда яна орқага қайтади, шунинг учун қўрқиши керак эмас. Ҳар соатдан сўнг дам олганда суюқ овқат, чой ичиш мумкин. Дам олганда кийиниб олиш керак. Ётилган тахта оёқ томонга бир оз қия бўлгани яхши, бу ҳол тер тез оқиб туришига ёрдам беради. Биронта пишиқ ғишт устига сочиқ солиб бош остига қўйиб ётиш керак. Енгил пойабзалда бўлган яхши, токи оёғингиз тагига офтоб тушмасин.

2. Саратон-сумбула ойларида ҳар куни офтобга чиқиши ўша тартибда давом этади. Энди жавзо ойидаги офтобга чиқищдан фарқи шуки, ҳар куни ярим соатдан тўрт марта чиқилади. Саратон — сум-

була ойларида офтобга чиққанда баданга ёғ сур-
камаса ҳам бўлаверади.

3. Мезон-акраб ойларида офтобга чиқиш 10-12
соатга кўпаяди. Куз офтоби энг фойдали ва шифо-
бахш, гарчи қуввати олдинги ойларга нисбатан кам
бўлса-да. Қатиқ ичиб офтобга чиқиш, дам олганда
ўрик суви ичиш керак.

4. Ҳафтада бир марта ҳаммомга тушиб, узоқ тер-
лаш шарт, шунда тер — губор оқиб, қон босими
касаллигининг сақа (қон танаачалари) сони камайиб
кетади. Масалан, 30 сақа камайса, ҳаммомга туш-
гандан сўнг икки кун ўтгач, 30 та касал сақдан 20
таси яна тикланади, бироқ 10 таси тикланмайди.
Яъни, қон босими касалининг сақалари камая бош-
лади.

Ҳаммомда баданинг уқалаш қон босими касалли-
гини даволашда катта фойда беради. Умуман, бемор-
ни ҳаммомдан ташқарида ҳам кунора уқалаш зарур.
Бу касалликда қон томири деворлари қотиб қолади,
уқалаш эса уларнинг иш фаолиятини яхшилайди, юм-
шатади, эгилувчан қиласи. Тўгри, қон босими касал-
лигига алоҳида уқалаш усули бор, уни ҳамма била-
вермайди, шунга қарамай, билганча уқаласа ҳам
бўлаверади.

5. Даволаниш даврида bemor ичадиган асосий су-
юқлик қатиқ зардоби бўлмоғи керак. Шунингдек,
кўк чой, торайхони, ялпизни дамлаб ичиш мум-
кин. Сут ичиш мумкин эмас, сут қайнатилганда қур-
тлари ўлади, лекин ундан йиринг йўқолмайди, йи-
ринг эса одамга жуда зарап. Бу — биринчиси, ик-
кинчиси — сут иссиқлик ҳисобланади, шунинг учун
ҳам қон босими касаллигига тавсия этилмайди.

6. Даволаниш даврида қовурилган овқатлар та-
қиқланади, фақат пиёзни қовуриш мумкин. Кабоб,
қази, қўй ёғи, мол ёғи, норин, спиртли ичимлик ва
шўр нарсалар вақтинча ман қилинади.

7. Дўкон ширинликлари, қандолатчилик маҳсулотлари тақиқланади, асални меъёрида, шунда ҳам совуқ фаслда (куз, қиш, эрта баҳорда) истеъмол қилиш мумкин.

8. Ҳамма мевалар ва полиз маҳсулотларини ейиш мумкин, бемор бадани мевалардан ўзига керакли шираларни ажратиб олади.

9. Сабзавотлар ҳам мумкин. Ҳар қандай овқатни кўк қўшиб истеъмол қилиш айни муддао бўлади. Айниқса, кўк пиёз, катта оқ пиёз ейиш касалликни даволашда алоҳида ўрин тутади, беморнинг катта таҳоратини равон қиласди. Овқат таркибида зира, зирк ва турли сиркаларни истеъмол этиш ҳам максадга мувофиқдир.

10. Фақат суви қочган нон, қаттиқ нон ва талқон мумкин.

11. Қон босими касаллигини даволашда жисмоний меҳнат, пиёда кўп юриш, бадантарбия муҳим ўрин тутади. Бемор ўз имкониятига, куч-қувватига қараб, иложи борича ҳар куни жисмоний толик-қани яхши. Кундузи ухламасликка ҳаракат қилиш керак, акс ҳолда кечаси уйқу қочади, бу эса даволашга зарар беради.

12. Ҳар куни бир коса суюлтирилган хамиртуруш ичиш. Ҳар куни 2 дона хом бақлажон ва 4 дона булғор қалампирини хом истеъмол қилиш шарт.

13. Ҳар куни 20-25 та шафтоли мағзини истеъмол қилиш керак.

14. Иложи борича ерга қараб ётиш яхши.

15. Сабзи, сельдер, путрушка, шпинат, қизилча, бодринг кабиларни ҳар куни истеъмол қилиш керак.

16. Тузни жуда оз ишлатиш ва бора-бора тузсиз овқатланишга ўтиш.

17. Асосий кундалик овқатни мева, сабзавот, сабзавотли суюқ овқатлар ташкил қилиши касалликнинг йўқ бўлиб кетишига кафил бўла олади.

Қон босими касаллигини даволашда бизнинг муолажаларимиз ана шулардан иборат. Борди-ю, даволаниш куз ёки қишига тұғри келиб қолса, бошқа тадбирларни бажарған ҳолда офтобга чиқиш учун жавзо ойини кутиш керак. Бошқа тадбирлар беморнинг соғлирини анча яхшилайды ва офтобга чиқиши учун замин тайёрлайды. Даволаш жараёнида бемор ички ва ташқи аъзолардаги, үзи билған-бilmagan бошқа касалликларни ҳам даволаб олади.

Қон босим сүяк сурмайды, уни одамнинг үзи ортириб олади.

Бу дардга чалингандарга Худонинг үзи шифо берсин. Омин.



OҚ (ПЕС) КАСАЛЛИГИ

Замонавий тиббиёт бу касалликни «витилиго» (пес) деб атаган, халқ табобати усулида уни даволаса бұлади. Бироқ ишлатиладиган дориларнинг баъзилари деярли қиммат ва алмаштириш, яъни арzonлаштиришнинг иложи йўқ. Энди дориларни бирма-бир изоҳлашга ўтамиш.

1. Ҳар куни кам деганда 1 килограмм анжир истеъмол қилиш шарт, муддати — бир йилу олти ойгача. Қишида қоқиси ейилади.

2. Оқ тушган жойнинг ҳар бир квадрат сантиметрига 3 донадан зулук солиш. Зулукни бир кунда 9-12 дона солиш мумкин. Муолажалар ораси 2-3 кунни ташкил қиласин.

3. Мис идишда сувни қайнатиб, янтоқ дамлаб ичиш керак. Кўк чой мумкин эмас.

4. Ҳамма мевалар мумкин.

5. Дўкон ширинликлари ва қандолатчилик маҳсулотлари мумкин эмас.

6. Ҳар куни 100 граммгача асал ялаш керак.

7. Ҳамма сабзавотлар мумкин.

8. Қовурилган овқатлар тақиқланади, фақат пиёзни қовуриш мумкин.

9. Ҳар куни 500 граммдан сариқ сабзининг сувини ичиш.

10. Ҳар куни 2 грамм оқ нон кунжутини истеъмол қилиш.

11. Ҳар куни 5 грамм пиёз уругини истеъмол қилиш.

12. Ҳар куни пиширилган қизил қизилчадан 100 ёки 200 грамм истеъмол қилиш.

13. Фақат суви қочган нон истеъмол қилиш.

14. Кунора мошдек мўмиёни бир чой қошиқ шўр сув билан ичиш.

15. Зулук солиш тугагач, ҳар куни зигир ёғини оқ жойларга суркаб боғлаб ётиш.

16. Ҳар куни 10 грамм седана истеъмол қилиш.
17. Ҳар ҳафтада бир тошбақани 4 литр сувда то 1 литр қолгунча қайнатиб, шурванинг ярмини ичиш керак, қолган ярмини тоза докага эмдириб оқ жойларга тутагунча суркаш лозим.
18. Қалампирмунчоқни туйиб, ҳар куни бир чимдимдан суюқ овқатга солиб ичиш.
19. Ҳар куни 50 грамм хом хандон пистанинг магзини истеъмол қилиш.
20. Ҳафтада 2 кун 100 граммдан жизза истеъмол қилиш.
21. Ҳар куни қайнатилган ўрик сувидан бир чойнак ичиш.
22. Ўйдаги чироқлар қуввати 40–60 вольтдан ош масин.
23. Кун ора пиширилган ярим килограмм сариқ нұхаттаға 2 дона пиширилган тухумнинг саригини құшиб истеъмол қилиш.
24. Ҳар куни бир пиёла қайнатилган нордон олчанинг сувини ичиш.
25. Қора смородинадан 4 килограммины гүшт киймалагиңдан чиқариб, унга 2 килограмм асал құшиб, ҳар куни 4 ош қошиқдан истеъмол қилиш.
26. Бир кун чаённи қуритиб туйиб, унга тенг миқдорда асал құшиб, оқ жойларга суркаб ётиш. Иккінчи куни пишган қовуннинг суви билан әмлаш. Учинчи куни лоланинг уруғини туйиб, тенг миқдорда асал құшиб суркаб ётиш. Суркаладиган дориларнинг ҳажми оқ жойлар құп-озлигига борлық. Дорилар юпқа қилиб суркалиб, борлаб ётилади.
27. Кунига 20 дона ширин бодом истеъмол қилиш.
28. Кабоб, тухум, сут, шур, аччиқ мумкин эмас.
29. 100 грамм она асаларининг сутини 1 килограмм асалға құшиб, ҳар куни 2 чой қошиқдан ялаш. Бу дори музлатгичда туриши шарт, тугаса янгисини тайёрлаш лозим.

Ушбу муолажани бир ярим йилгача узмаслик шарт. Мұмиёнинг тозасини ишлатиш керак. Ёз фаслининг иссиқ ойларида ҳар куни 2-3 соат сузив чўмилиш керак. Бироқ оқар сув бўлмай, кўлоб сув бўлиши ва чўмилишни кеч соат 5 дан кейин бошлаш лозим.

Бу касаллик ҳақида яна икки оғиз гап. У юқумли эмас, баданга оқ тошган билан, у оғриқ бермайди, ҳаёт учун ҳеч қандай хавфлилиги йўқ, кишининг ишига, турмушига зарари йўқ. Ундан жирканиш мутлақо но-тўғри, чунки бу касаллик ҳеч кимга зарар бермайди. Оврупо тиббиёти буни умуман касаллик деб ҳисобламайди, шунинг учун ҳам уни илмий текшириш, даволаш устида иш олиб борилмайди. Бинобарин, оқ тошган одамлардан четланиш, уларни яккалаш хато.

Юқорида баён қилинган муолажадан кўриниб турибдики, бу касалликни даволаш анча мураккаб ва қимматта тушади, чунки унинг келиб чиқиши жигар, ошқозон ва қон билан борлиқ. Лекин шунга қарамай, уни даволаса бўлади. Бу касалликка инсон баданига бир қанча витаминалар етишмаслиги, чунончи мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етарли даражада ва ўз вақтида истеъмол қилинмаслиги ҳам сабабчи эканидан уларни иложи борича кўпроқ истеъмол қилиш маъқул.

Бу касални даволашдаги бир усулнигина изоҳладик. Дардни даволашнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд.

Даволанишда Худонинг ўзи шифо берсин. Омин.

ҚАНД КАСАЛЛИГИ

Қанд касаллиги дунёда кенг тарқалган ва энг оғир касалліклардан бири ҳисобланади, халқ табобатида «ширин касал» деб ҳам юритилади. Бу дард ўта мураккаб бўлиб, бир қанча турларга, шаклларга ва кўринишларга бўлинади, улар ўз навбатида бир қанча босқичларга эга. Хасталик бошланишида енгил кўринишда бўлса ҳам тез орада оғирлашиб, мураккаблашиб боради. Қанд касаллиги келиб чиқишига ошқозон ости безининг фаолияти бузилиши сабабчидир, яъни бу без инсулин мөддасини ишлаб чиқармай қўяди. Шунга кўра, қонда ва сийдикда қанд миқдори ошиб кетади, уни мувозанатга келтириш учун эса бемор баданига инсулин юборилади. Бироқ бемор ҳаётини инсулин билан ушлаб туриш ноиложликдан қилинуччи сунъий тадбирдир. Касаллик одамнинг қони ва сийдигини текшириш орқали аниқланади. Шунингдек, беморнинг оғзи қурийди, кўп сув ичади, боши оғрийди, асабийлашади, юрагида оғриқ пайдо бўлади, кўзи хиралашади, баданида чумоли юргандай бўлади, оёғи оғрийди ва ҳоказо, булар шу касалликнинг белгилари ҳисобланади.

Қанд касаллигини даволашдан асосий мақсад ошқозон ости безини ишга тушириб юборищдан иборат, токи у ўзидан шиллиқ чиқариб, ошқозонга бериб, овқатни парчалашда хизмат қилсин. Бу дардни даволаш соҳасида замонавий тибиёт тинмай иш олиб бормоқда ва озми-кўпми ютуқларга ҳам эришиди. Лекин шунга қарамай, уни буткул даволаб юбориш кўнгилдагидек даражада эмас, ҳозирча.

Қанд касаллиги шарқ халқ табобати тарихида жуда қадимдан маълум. Улур бобокалонимиз Абу Али ибн Сино бу дардга алоҳида эътибор беради. «Сув қан-

дай ичилган бўлса, шу ҳолда чиқади», деб ёзади ибн Сино. «Касалнинг кўп сув ичиши бошқа касалларни ҳам келтириб чиқаради ва бетоб озиб кетади». Да-валарга тўхтаб, табиб таъкидлайдики «касалга совуқ мизожли суюқликлар и chir, совуқ ваннага сол, нор-дон айрон и chir, мевалар бер, ялпиз дамлаб и chir, яъни касални ҳўлла, совут», дейди. Овқатлари устида тўхтаб, буғдой атала, сиркали овқатлар, сабзавотдан суюқ ов-қатлар ичиришни тавсия қиласди.

Бу тавсиялардан кўриниб турибдики, касаллик иссиқликнинг ошиб кетиши туфайли пайдо бўлишини билдиради.

Қанд касаллиги тарихий тиббий манбаларга кўра, наслий ҳам бўлади, лекин наслий бўлмаслиги ҳам мумкин. Унинг келиб чиқишига одам баданида иссиқлик йилма-йил тўпланиб бориши, яъни, истеъмол қилинган озиқ-овқат қувватининг маълум қисми ишлатилмай қолиши сабабчи. Жисмоний иш билан мунтазам шуғулланган ёки доимий бадантарбия қилиб, ортиқча овқатланмай, ўз ишини, дам олишини тўғри ташкил қилган одамлар қанд касаллигига ҳеч қачон чалинмайди. Шунингдек, ширинликни кўп истеъмол қилиш, спиртли ичимлик ичиш, ҳаммомда узоқ терламаслик, тўғрироғи, ўз ҳаётига эътиборсиз яшаш, табиат ва табобат қонунларига амал қилмаслик ҳам шу дардга дучор қиласди.

Аввало шуни айтиш керакки, бу касалликни буткул даволаб бўлади. Бунинг учун уч томон — бемор, табиб ва дори-дармон биргалашиб, қаноат, чидам ва матонат билан ишга киришуви керак. Вазифа мураккаб ва оғир, лекин неча асрлардан буён уаддалаб келинган. Даволаш жараёнида дори-дармонларни иложи борича арzonлаштириш ва муолажани беозор ўтказишга интилиш шарт. Даволаниш муддати касалликнинг оғир-енгиллиги, эскиянгилиги ва турига боғлиқ. Ҳар ҳолда, бир ярим йил-

дан икки йилгача давом этади. Тажрибада бир йил, ўн ой ва ҳатто саккиз ойда тузалганлар бор. Энг мұхими — бу дардни босқичма-босқич даволаш заур, акс ҳолда «қош құйман деб күз чиқариш» мумкин. Шунин алғыда таъкидлаб үтиш керакки, қанд қасаллигини халқ табобати усули билан даволашнинг замонавий тиббий усулга мутлақо қарама-қарши жойлари ҳам бор. Шунинг учун, бу борада муолажан танлаш bemорларнинг үзиге ҳавола.

Энди муолажа тартибини изоҳдаймиз:

1. Жавзо ойида ҳар куни, бұлиб-бұлиб, жами 4 соат мобайнида фақат бош кийимда ва иштончада офтобга чиқиб ётиш керак. Тахтада ётиш шарт, офтобга чиқиб олдидан түйиб қатық ичиш керак. Офтобда ётганда, қүёш нури тушаёттан очиқ жойларга дөр қилинган пахта ёғи суркаш зарур. Икки соат ерга қараб, икки соат осмонга қараб ётиш керак. Ҳар соатда салқинга бориб дам олиш, дам олаётганда шакар солинмай, узоқ қайнатилған үрик сувини иссиқ-иссиқ ичиш зарур. Офтобда ётганда овқат истеммол қилиш, суюқлик ичиш мумкин эмас. Тахтада ётиш үрнига курсида үтирса ҳам бұлади. Офтобда даволанишда китоб үқищ, ёзиб-чизиш, радио әшитиш ёки бирон бошқа иш билан шуғулланиш мумкин. Кечга бориб, илиқ сувда чүмилиб ётган яхши.

Офтобга биринчи, иккінчи, ҳатто учинчи чиқиши да қон босими бир оз күтарилиши мумкин, лекин у тезда яна орқага қайтади, шунинг учун құрқиши керак эмас. Ҳар соатдан сұнг дам олишда суюқ овқат, чой ичиш мумкин. Дам олаётганда кийиниб олиш керак. Ётилған тахта оёқ томонга бир оз қия бұлғани маңқул, бу ҳол тер тез оқиб тушишига ёрдам беради. Бошта биронта пишиқ ғильт құйиб, усттига сочиқ ёпиш керак. Енгил пойабзалда бұлиш яхши, токи оёғингизнинг тағига офтоб тушмасин.

Саратон-сунбула ойларыда офтобга чиқиши үша

тартибда давом этади. Энди жавзо ойидагидан фарқи шуки, ҳар куни ярим соатдан түрт марта чиқилади. Бу даврда баданга ёғ суркамаса ҳам бұла-веради.

Мезон-ақраб ойларида офтобга чиқиш 10-12 соатта күпаяди. Қуввати олдинги ойлардагига нисбатан кам бұлса ҳам куз офтоби энг фойдалы ва шифобахшдир. Қатиқ ичиб офтобга чиқиш, дам олганда үрик суви ичиш ва бошқа табиляр аввалги тартибда давом этиши керак.

Албатта, офтобга чиқишининг бириңчи ҳафтаси баъзи бир касалларга қийинчилеклар туғдирали. Қон боғсимв күтарилади, иситма пайдо бұлади, бетоб лоҳасланади ва ҳоказолар, натижада даволанишни тұхталиш керак деган фикр ҳам келади. Шундай пайтларда тезлик билан баъзи бир құшимча табилярни құллаш лозим. Масалан, оқшоқ хұрда қилиб ичириш, ажриқ томирини қайнатиб ичириш, алоэ баргини майда тұғраб қайнатиб ичириш ва алоэ барги ичидағи шиллиқ билан бошни эмлаш, қоратол шохчасининг барглари билан совуқ сувда ҳұллаб яланғоч баданга енгил уриб чиқиш, баргизум едириш, шафтоли баргини қайнатиб ичириш, қалоб (айрон) ичириш кабилалар бемор баданини аста-секин офтоб нурига мослаштиради ва бир ҳафтадан сүнг касал ҳеч нарса ичмай, емай офтобда ётаверади.

2. Қища ҳафтада икки марта, ёзда бир марта ҳаммомга тушиб узоқ терлаш шарт, шунда қанд сақалари (қон танаачалари) камаяди. Масалан, 30 та қанд сақаси камайған бұлса, ҳаммомга тушгандан сүнг икки кун үтгач, 30 та қанд сақасидан 20 таси бемор баданида тикланади, бироқ 10 таси тикланмайди, яғни шу йүсінде сақалар камайиб боради. Ҳаммомда үқаланиш қанд касаллигини даволашда мұхим ақамиятта зәға, шунингдек, ҳаммомдагида ташқары ҳар ҳафта 3 марта үқаланиш шарт. Алоқида үқалаш усу-

ли ҳам бор. Лекин уни биладиган одам топилмаган тақдирда, оддий уқалаш ҳам ижобий таъсир қиласи.

3. Даволаниш даврида бемор ичадиган асосий суюқлик қатиқ зардоби бўлмоғи керак. Шунингдек, кўк чой, төррайхони ва ялпизни дамлаб ичиш мумкин. Лекин сут ичиш тақиқланади, сут қайнатилганда қуртлари үлади, аммо ундаги йиринг йўқолмайди, бу эса одамга жуда зарар. Сут иссиқлик ҳисобланади, шунинг учун ҳам қанд қасаллигига мумкин эмас.

4. Даволаниш даврида қовурилган овқатлар тавсия этилмайди, фақат пиёзни қовуриш мумкин. Кабоб, қази, қўй ёғи, мол ёғи, спиртли ичимлик ва шур нарсалар истеъмол қилиш вақтинча ман этилади.

5. Дўкон шириналлари ва қандолатчилик маҳсулотлари ейиш тўхтатилади. Асални меъёрида, шунда ҳам совуқ фаслда (куз, қиши, эрта баҳорда) истеъмол қилиш мумкин.

6. Ҳамма мевалар ва полиз маҳсулотларини еса бўлади. Инсон бадани мевалардан ўзига керакли шираларни ажратиб олади.

7. Сабзавотлар ҳам мумкин. Ҳар қандай овқатни кўк қўшиб истеъмол қилиш айни муддао бўлади. Айниқса кўк пиёз ва катта оқ пиёзни кўп ейиш даволашда алоҳида ўрин тутади, bemorning катта таҳоратини равон қиласи. Шунингдек, овқатта зира ва турли сиркаларни қўшиб истеъмол этиш ҳам маҳсадга мувофиқдир.

8. Фақат суви қочган нон, қаттиқ нон ва талқон мумкин.

9. Беморни даволашда жисмоний меҳнат, пиёда кўп юриш, бадантарбия муҳим ўрин тутади. Бемор ўз имкониятига, куч-қувватига қараб, иложи борича ҳар куни жисмонан толиққани яхши. Кундузи ухламасликка ҳаракат қилиши керак, акс ҳолда кечаси уйқуси қочади, бу эса даволашга зарар беради.

10. Даволаниш даврида ҳар куни 4-6 та чилон-жийда истеъмол қилиш, 7 дона исириқ уругини чой билан ютиш керак. Ҳар куни 2 дона бақлажон хомлигича аччиқ-чучук билан истеъмол қилинади. Ҳар куни 100 гр хом карам ейиш керак. Қора чой ичиш, шунингдек, кофе, какао, торт, кекс кабиларни ейиш мумкин эмас. Ҳар куни бир пиёла олма суви ва бир пиёла қайнатилган нордон олча суви ичиш шарт.

11. Фақат мол гүшти ейиш мумкин, у қийма ҳолида бўлсин ва ҳафтада 3 кун. Тухум, норин, колбаса, сут, мош кабилар мумкин эмас.

12. Ҳар куни бир пиёла суюлтирилган хамиртуриш ичиш шарт.

13. Ҳар куни 20 дона шафтоли мағзини ейиш керак.

14. Ёзда кеч соат 5 дан кейин кўлоб сувда узоқ чўмилиш яхши.

Канд касаллигини даволашда бизнинг муолажа усулимиз ана шулардан иборат. Борди-ю, даволаниш куз ёки қишига тўғри келиб қолса, бошқа даволарни бажариш зарур ва офтобга чиқиш учун жавзо ойини кутиш керак. Бошқа тадбирлар бемор соғлигини анча яхшилади ва офтобга чиқиш учун замин тайёрлайди. Даволаш жараёнида инсон ички ва ташқи аъзоларидаги, ўзи билган-бilmagan бир қанча касалликлардан ҳам шифо топади.

Канд касаллигини даволаш кўп жиҳатдан қон босими касаллигини даволашга ұхшаб кетади. Ҳақиқатан ҳам улар бир-бирига жуда яқин туради, лекин ~~канд~~ касаллиги қон босими касаллигига нисбатан оғир ва хавфлидир.

Бу дардга чалинган ҳамма бандаларга Худонинг ўзи шифо берсин. Омин.

МИЛК КАСАЛЛИГИ

Оғиз бүшлиғида пайдо бұладиган қасалліктер орасыда милк оғриши узоқ вақтта чұзиладиган және зеркін овқатланишга имкон бермайды. Милк касаллигидегі мөртвияттың мөлдөмдіктерінде оғындықтардың өзінен ажыратылғанын көрсетеді.

Милк касаллиги бир нечта турға бўлинади, биз фақат милк яллиғланишига тұхтаймиз. Ҳозирги замон тиббиётида у умумлаштирилған ҳолда стоматит қасалліктери деб юритилади. Демек, стоматит қасалліктери ҳам үз навбатида турларга эга, бироқ улар ичида көнг тарқалғаны милк яллиғланишидір. Милк яллиғланибгина қолмай, юмшайды, тез-тез қонаиды, қичишады, баъзи тишилар лиқилаб қолади, оғриқдан ҳаловат йўқолади, овқатланиш ниҳоятда қийинлашади.

Бундай қасалликка сабаб беморда иссиқлик ошиб кетишидір. Яъни иссиқлик овқатларни, чунонча, қовурилған таомлар, гүшт-ёвлар, кабоб, тухум, қази ва айниқса турли ширинликтерни керагидан ортиқча истеъмол қилиш ҳамда уларнинг қувватини жисмоний иш қилиб сарфламаслик оқибатида бадандаги мувозанат бузилади. Шунга кўра, «милким қонаяпти» деган одамга кўпинча «иссиғинг ошиб кетибди» деб жавоб қилишади. Бундай қасалликка чалинганлар энг аввало озиқ-овқатни тартибга солиши керак: у ҳам совуқлик, ҳам иссиқлик бўлсин. Масалан, ҳар қандай овқатни, албатта, аччиқ-чучук ва кўкларни қўшиб истеъмол қилиш керак.

Милк қасаллиги ўрта аср табибларини ҳам диққатини тортган. XVI аср табибларидан Юсуфий ибн Мұхаммад милк қасаллигини «Истир-хо ал-Лисса», «Лисса домийя», деб, номлайды. Унда оғиз серсув, тил қизил ва милк қонаши юз беради. Давосига тұхтаб, атиргул ва анор гулини туйиб, тиши остига

сепишни буюрады. Шунингдек, аччиқтош ҳам да-
волигини айтады.

Бизнинг муолажа тадбирларимиз эса қуийдаги-
ча:

1. Анор пустидан 100 гр олиб, 1 л. сувда 5-6 дақиқа
қайнатиб, қайнатмани 7 га бўлиб, 7 кун 3 мартадан оғиз
чайқаш, яъни ғар-ғара қилиш керак.

2. Ёнроқ баргидан 200 гр. олиб, 1 л. сувда 5-6
дақиқа қайнатиб, уни ҳам 7 га бўлиб, бир ҳафта 3
маҳалдан оғиз чайқаш зарур.

3. 1 гр. аччиқ тошни ярим литр қайнаган сувда
эритиб, уни 7 га бўлиб, бир ҳафта оғиз чайқаш ке-
рак. Кунига 3 маҳал.

4. 150 гр. узум сиркасига 40 гр. саримсоқ пиёзни
майда тўғраб, эзиб, сиркага аралаштириб, сўнг бир
парча тоза докага бир чой қошиқ дорини эмдириб,
оғриқ милкларга кунига 3 маҳал суркаш керак. Бу
дорилар таъсири 7-10 кун ичидан сезилмаса, муола-
жани яна қайтариш зарур.

Шунингдек, шотут, төр олча қайнатмаси билан
ғар-ғара қилиш ҳам яхши натижа беради. Давола-
ниш даврида (7-10 кун) чой ўрнида ялпиз дамлаб
ичиш керак. Қовурилган овқат ва дўкон ширинлик-
ларини истеъмол қилишни вақтинча тұхтаттан яхши.
Энг муҳими аччиқ-чучук, кўк ва саримсоқ пиёзни
доимо кўнгил кўтарганича истеъмол қилиш керак.

Ҳафтада 2 марта ҳаммомда узоқ терлаш муҳим
тадбирлардан биридир. Лиқиллаб қолган тишлилар
даволаниш жараёнида аста-секин мустаҳкамланы-
ди. Демак, бундай касалга чалинган одам тишил-
рини олдирмасин, чунки юқоридаги муолажа ту-
файли тишлилар тикланади.

Келажакда оғримаслиги учун пиёзни хом ҳолда
доим истеъмол қилинг.

Худо шифо берсин. Омин.

ХОТИМА

Ўзбек халқ табобати ўзининг кўп асрли тарақ қиёти жараёнида Ўрта Осиё ва Қозогистонда, тўғрироғи, Туркистон ўлкасида яшовчи бошқа ҳалқларнинг табобати тажрибалари билан ҳам бойиб борган, ривож тошган. Шунинг учун ўзбек халқ табобати битмас-туганмас муолажа хазинасиdir. Қўлингиздаги кичик бир тўплам ўзбек халқ табобатининг мўъжазгина дебочасидир. Ўйлайманки халқ табиблари биргалашиб мукаммал «Ўзбек халқ табобати мажмуаси» яратишимиz лозим. Ўзбек халқ табобати мустақил ўзбек давлатига, қолаверса, бутун Туркистон замини халқларининг саломатлигига хизмат қилиши шарт.

Халқ табобатининг қонуниятига кўра, касалликни даволашдан ҳам кўра олдини олиш асосий вазифадир. Бунда энг муҳим омиллар — атроф-муҳитнинг соғломлиги, уй-жой қурилишининг тўғрилиги, искеъмол қилинадиган озиқ-овқатнинг табиийлиги ва тозалиги, меҳнатнинг тўғри ташкил қилиниши, шахсий озодалик, тўғри кийиниш ва ҳоказолардир. Булар халқнинг яшаётган муҳити ва сиёсий тузумга, шахс ва оила эркин-озод бўлишига боғлиқ. Бунинг учун эса миллатнинг ватани, мамлакати мустақил, озод бўлиши шарт.

Маълумки Туркистон халқлари, шунингдек, ўзбек халқининг ҳам оғир ҳаёти Чор Русияси Туркистонни босиб олишидан бошланади. Элимизнинг жамики бойлиги Русияга ташилди, биз мустамлака халқ бўлиб, эркинлигимиз тупроққа қорищди. Шуро империяси куринишдан чиройли бўлгани билан мақсадига кўра қабиҳ ва ёвуз эди. Ўзбекистон ҳамма соҳада ҳом ашё омбори бўлиб қолиши оқибатида Орол қуриди, еrimиз, сувимиз заҳарланди, ҳаво бузилди. Неча минг йиллар мобайнида саломатликка

мослашган уй-жой қурилишимиз айниди. Босқинчилар «уйингнинг деразасини кӯчага қаратасан» деб мажбурашди. Ҳолбуки қадим-қадимдан уйларнинг деразаси ва эшиги айвонга қаратилган бўлиб, бундай лойиҳада уй ичини шамол яламайди. Чанг жуда кам киради. «Уйингнинг айвони офтоб томонга қаратилиши шарт эмас» деб бизни қуёшнинг покловчи нуридан ҳам маҳрум қилишди.

Заҳарли ўритлар туфайли мевалар, айниқса, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг сифати пасайиб, табиий таъми бузилди. Инсон учун энг керакли бўлган табиий ҳолдаги дон, сабзавот, мева, асал ўрнига консерваланган, музлаган овқатлар, гўштлар, колбаса истеъмол қилиниши, ҳар хил сутли, қандли пишириқлар, кўпикли емакларнинг кўпайиши касалликларнинг хилини ҳам, сонини ҳам кўпайтириб юборди. Русиядан Туркистонга келтирилган энг заарарли нарса хилма-хил спиртли ичимликлар булади. Бу миллатимизга энг оғир касалликларни — қашшоқлик, тубанлик ва жиноятни келтирди.

Худога минг қатла шукурким, ўзбек эли озод булди, у энди ўзининг миллий давлатини қайта тиклади. Бинобарин, бундан кейинги ҳаётимиизда ҳалқчиллик билан сурорилган анъаналаримизни тиклаб, ҳалқимизнинг саломатлигини яхшилашимиз керак. Бу ишни энг кичкина нарсадан — томорқамиизга экадиган мева, сабзавотларимизга заҳарли ўрит солмай етиштириб, фарзандларимизга тоза егулик беришдан бошлайлик. Зилзилага яхши бардош бера оладиган, иссиқ ва совуқ ҳавога мос, саломатлик учун фойдаси катта бўлган қўш синчли, офтобга қараган пешайвонли уй-жойлар қурайлик.

Ҳаётимиздаги ҳамма нарсани ҳалқимиз саломатлигига қаратайлик, доимо: табиийликка интилайлик. Энг муҳими — миллий тиббий муолажаларимизни тиклайлик, ўзлигимизни англайлик. Ҳалқимизнинг

«Сендан ҳаракат, мендан баракат», «Бандасига бало йүқ, балони үзига тилаб олади» каби мақоллари бежиз эмаслигини тушунайлик.

Илоҳим, bemорларга шифо берсин, ҳеч ким дард тортмасин. Омин.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Луқмони Ҳаким. Табобат. Тошкент, Faфур Fулом номидаги адабиёт нашриёти, 1993 й.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, Абдулла Қодирий нашриёти, 1993 й.
3. Абу Бакр ар-Розий. Буръус—соъа. Тошкент, «Мерос» нашриёти, 1992 й.
4. Абу Бакр ар-Розий. Духовная медицина. Душанбе, «Ирфон» нашриёти, 1990 й.
5. Абу Бакр ар-Розий. Касалликлар тарихи. «Абдулла Қодирий» нашриёти, Тошкент, 1994 й.
6. Абу Али ибн Сино. Тиббий ўгитлар. «Меҳнат» нашриёти, Тошкент, 1991 й.
7. Абу Али ибн Сино. Зийнат. «Чўлпон» нашриёти, Тошкент, 1992 й.
8. Туркий тибнома. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1992 й.
9. Бобуринг хос табиби Юсуфий ибн Муҳаммад. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1992 й.
10. Ҳаким Давоий ал-Тилоний. Фавойиду-л-инсон (Инсонларга фойдалар). Тошкент, 1992 й.
11. Зийратнома. «Меҳнат» нашриёти, Тошкент, 1991 й.
12. Ас-саъиду-с-Самарқандий. Жонзотларнинг тиббий хосијатлари. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1994 й.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Баҳорги муолажа	4
Ёзги муоложа	7
Куз ва қишда болаларни касалликлардан асраш	9
Бадантарбия хосияти	10
Мизожингиз ҳақида	12
Тумов	14
Чипқон	17
Темирэтки	20
Кичик тил касаллиги	24
Елка, құл ва оёқ оғриқлари	27
Қулоқ касаллиги	29
Сийиб қүйиш касаллиги	32
Носур касаллиги	35
Қон босими касаллиги	38
Оқ (пес) касаллиги	43
Қанд касаллиги	46
Милк касаллиги	52
Хотима	54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	57

ИККИНЧИ КИТОБ МУНДАРИЖАСИ

Муқаддима

Бавосир

Иситма чиқиши ва уни тушириш усуллари

Аёллар ҳаммоми ва табобат

Болаларда ва катталарда толиқиш

Айрим аёлларда қўшилишга, жимога совуқлик

Асабингизни эҳтиёт қилинг

Ошқозон касали

Юздаги ажин-тиришларни йўқотиш

Кам қонлик касалини даволаш

Суякни мустаҳкамлаш

Қорин қўйиш ва давоси

Оёқ ўқ томир касали

Сут безининг катта бўлиб кетиши

Болаларда ич кетиш касали

Фарзандсизлик давоси

Буйрак шамоллаши ва унинг давоси

Хотинлар бавосири

Болаларга қизил тошиши

Арпа — минг дардга даво

Хотима

УЧИНЧИ КИТОБ МУНДАРИЖАСИ

Муқаддима
Ирқуннасо
Сардор касалини даволаш
Тахт касали
Фалаж, шол дарди ва уни даволаща ноёб усул
Танглай ва милкларни яллигланиши, оқ тошмалар тоши-
ши ва уни даволаш
Ўпка сили ва уни даволаш
Товон ёрилиши ва уни даволаш
Йутал
Дикқинафас – бўрма касаллиги ва уни даволаш
Жигиидон қайнаши
Кўзни парвариш қилиш, қувватини ошириш бўйича тав-
сиялар
Кўзга гоммижжа чиқиши ва уни даволаш
Қўтирили темирэтки, қичима—псориаз
Ҳиқичноқ тутиши ва унинг давоси
Кичик таҳоратнинг тутилиш касаллиги — аденома
Шақиқа
Истисқо
Ўпка истисқоси
Сарамас, кўкяра, ёлин, сурхбода — рожа
Канали қўтири-қичима
Шайтонлайдиган болани даволаш

ТҮРТИНЧИ КИТОБ МУНДАРИЖАСИ

Қорасон касали ва уни даволаш
Юрак касалликларидан бири
Бүгим касали ва уни даволаш
Сепкил касали
Сұгални даволаш ,
Товон касали ва уни даволаш
Зотилжам касали ва уни даволаш
Юрак томир касали ва уни даволаш
Мохов касали
Мояқ истисқоси
Буйрак яллиғланиши — нефрити
Сүяк яллиғланиши ва унинг давоси
Меъда ости безини яллиғланиши (панкратит)
Зотилжам касаллиги
Болаларда рахит касали
Бод касалликлари
Тери сили (волчонка)
Меланхолия касаллиги
Юз фалажи
Күзга оқ тушиши, уни даволаш

Ҳурматли китобхон!

Халқ табобатига қизиқувчи муштарийлар, ушбу халқ табобати рисоласи ҳақида "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа марказига (700113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60) фикр-мулоҳазаларингизни, таклиф ва истакларингизни ёзив юборсангиз, ғоят мамнун бўлардик.

"Ёш куч" таҳририяти.

"Янги аср авлоди"
нашриёт-матбаа маркази
2000 йилда болаларга багишланган
қуийдаги китобларни чоп этади:

Тўплам. "Олтин балиқ". Ўзбек халқ эртаклари.
Ўзбек тилида 4,0 б.т.

Тўплам. "Ўзбек халқ фольклорларидан". Эртаклар, афсоналар. Инглиз тилида 9,0 б.т.

Наримон Орифжонов. "Биз Истиқлол фарзандимиз". Ўзбек тилида 1,0 б.т.

М. Хидир. "Ҳарф ўйини ривоятлари". Ўзбек тилида 3,0 б.т.

Тўплам. "Қизил қурбақа ҳақида эртак". Ўзбек ва рус тилларида 1,5 б.т.

Тўплам. "Қувноқ топишмоқлар". (4 та китоб). Ўзбек тилида 4,0 б.т.

Тўплам. "Афанди ва болалар". Латифалар. Ўзбек тилида 4,0 б.т.

(Оммабоп нашр)

Ўзбек тилида

Абдулазиз Саиднурин үғли

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИДАН

I

Муҳаррир **А.Сайд**
Мусаввир **Б.Бозоров**
Тех.муҳаррир **В.Демченко**
Мусаҳдиҳа **Н.Шокирова**
Компьютер устаси **М.Ли**

ИБ № 3437

Босишга рухсат этилди 25.02.2000. Бичими 84x108 1/32 Босма тобоги 2.0. Адади 5000 нусха. Буюртма №22. Баҳоси келишилган нархда.

"Қатортол-Камолот" нашриёт-ишлаб чиқариш корхонаси. 700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

Ўзбекистон Ёшлиари "Камолот" жамғармаси "Янги аср авло-ди" нашриёт-матбаа маркази босмахонасида чоп этилди.



3 330000 312962

120850